Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 6 ноябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 84 (6781)

Даъват

Ишга яраб қолса,
Илминг бир муддат.
Яна оширмоққа
Айлагил шиддат.

Мирзо УЛУҒБЕК

Ибрат

Яқинда республика ташқи иқтисодий алоқалар вазири Тоҳир Раҳимов пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 84-ўрта мактабга видеомагнитофон ҳамда чет элда тайёрланган инглиз тилидаги ўқув кассеталар мажмуасини тақдим этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИНИНГ ЖАМОАСИ ВА ТИНГЛОВЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни банк-молия академиясининг очилиши билан қизғин қутлайман. Кўпгина халқаро ташкилотлар ва молия муассасалари ҳамда ривожланган мамлакатларнинг етук мутахассислари янги билим маскани ташкил қилинишида бизга яқиндан кўмак бергани, айниқса, қувончлидир. Шубҳа йўқки, банк-молия академияси Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таълим тизимини ривожлантириш жараёнидаги муҳим босқични бошлаб беради.

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг устивор йўналишлари ва суръатлари аниқ белгилаб олинган бугунги даврда банкларнинг роли тобора юксалиб бормоқда. Бинобарин, Ватан ва миллат манфаатларини чуқур англаган, банк ва молия соҳасидаги жаҳон илғор тажрибасини мукаммал ўрганган, маънавияти юксак, эл-юртга садоқатли ёш мутахассисларга талаб ҳам кучаймоқда.

Янги ташкил этилган банк-молия академияси жамоаси ва тингловчилари ана шу олижаноб вазифани шараф билан бажарадилар ва фидокорона меҳнатлари билан Ўзбекистонимиз равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонаман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Она... Уй бекаси... Муаллима... Эҳ-ҳе, бу қалб соҳибаларидаги матонат ҳақида қанча сўзласак, шунча оз.

Асака шаҳридаги Алишер Навоий номидаги 3-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳамидахон Тешабоеванинг ёш авлодга билим беришдаги тажрибалари ҳамда 1996 йилги «Ўқитувчи—96» танловидаги муваффақиятлари ҳақида ёзмоқчи бўлдигу, унинг сизларга тикилиб турган чеҳрасидан бу муваффақиятларни, ўз касбидан мамнунлигини газетхонларнинг ўзлари илғаб олар деган илинж билан кифояландик.

СУРАТДА: Ҳамидахон Тешабоева навбатдаги машғулотга тайёрланмоқда.

Адҳамжон АБДУРАҲМОНОВ олган сурат.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Бундан мақсад бозор муносабатлари шароитида қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш масалаларида уларнинг мустаҳкам ўзаро алоқасини таъминлашдир.

❀ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари билан Хайрулла Равшанович Жўраев Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири, Рим Абдулович Гиниятуллин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раиси этиб тайинланди.

❀ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ Ўзбекистонда Банк-молия академияси ташкил этилди.

❀ Шу йил декабрь ойида Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича XI Осиё кубоги мусобақалари бўлиб ўтади. Унда Осиё ўйинлари чемпиони — Ўзбекистон миллий терма командаси ҳам иштирок этади.

❀ Истанбулда Ўзбекистон Республикаси Бош консулхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Туркия жумҳурияти ҳукумати аъзолари, Истанбул маҳаллий ҳокимияти ҳамда Анқара ва Истанбулнинг дипломатия корпуси вакиллари иштирок этдилар.

❀ Умумий қиймати 19 миллион доллар бўлган 1,5 тонна олтинни Буюк Британия Албанияга қайтариб беришга рози бўлди. Бу олтин иккинчи жаҳон уруши даврида нацистлар томонидан Албания марказий банкидан ўғирланиб, Англия банкида сақланаётган эди.

1996 йил — Амир Темур йили

АМИР ТЕМУР ВА ЭКОЛОГИЯ МАДАНИЯТИ

Буюк соҳибқирон Амир Темур атроф муҳит, она-юрт ва табиат муҳофазасига ниҳоятда эътиборли бўлганлар. У кишининг: «Қай бир жойдан бир гишт олсам— ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим», деган ҳикматлари ҳам фикримизнинг далилидир.

Ёшларга буюк бобомизнинг экология маданиятига доир қарашлари ва бу борадаги саъй-ҳаракатларини ўргатиш муҳимдир. Ана шу мақсадда республика ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуасида «Амир Темур ва экология маданияти» мавзуида кеча ўтказилди.

Кечани республика ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуаси директори, профессор Э. О. Турдиқулов очди. Шундан сўнг турли миллат фарзандларидан иборат мажмуа тўгарак аъзолари буюк соҳибқироннинг экология, атроф муҳит муҳофазасига оид қарашлари, ўгит ва ҳикматларидан мисоллар келтириб, узаро баҳс юритдилар. Даврада Амир Темур ҳақидаги шеър, қўшиқ ва қўйлар янгради. Шайхонтоҳур туманидаги 10-мактабнинг 4-синф ўқувчилари афғонистонлик Нек Муҳаммад Фаришта, Нек Муҳаммад Мумтоз ўзбек тилида, Шокена Одело эса инглиз тилида Соҳибқирон ҳақида шеърлар айтиб беришди. 137-мактабнинг 8-синф ўқувчилари Гулнора Тожиддинова, Гулноза Муҳиддинова, Чилонзор туманидаги 90-мактабнинг 7-синф ўқувчилари Жамолиддин Саломов, Абдулазиз Йўлдошев, Шоҳобиддин Шотурсуновларнинг тарих ва экология хусусида айтган фикрлари, ёддан айтган шеърлари ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

«БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуасида «Амир Темур ва экология маданияти» тўгараги иш бошлади.

Шоира МАМАТҚУЛОВА,
Республика ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуаси ходими.

Директор минбари

МАКТАБ— ЖАМИЯТ КЎРКИ

Аҳил жамоани юзага келтириш учун Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев таъкидлаётганларидек, зийрак, ишбилармон раҳбар бўлиши керак. Дарҳақиқат, «Иш билганга — эл эргашар», дейди халқимиз донолари. Бу фикрни мактабга бурсак, ўзига хос маъно пайдо бўлади. Мактаб раҳбари қандай бўлса, мактаб ҳам шундай бўлади. Бу — узоқ йиллик тажрибалардан келиб чиққан хулоса.

Дарҳақиқат, раҳбар — кўзгу. Уни барча кўз кўради, ибрат олади. Унинг юриш-туриши, одоб-ахлоқи, маҳалладаги ўрни, муомаласи, тадбиркорлиги, истеъдоди ойнада кўриниб туради. Очиғи, бир кунлик иш самараси кўп нарсани белгилайди. Раҳбар бир кун олдин иш режасини белгилаб олмаса ёки режадаги тадбирлар мазмунини қалбан ҳис қилмаса, иш самараси, натижаси ойлар, йиллар жараёнида кўзга кўринмайди.

«Эртага, индинга нима қилишим керак», «Қайси мавзуни такомиллаштириш лозим?» Бу каби саволлар мени бир зумгина тарк этмайди. Эрталабки соат 7.00 да мактабда бўламан. Ярим соат илм маскани атрофини кўздан кечираман. Ташқаридан синфхоналарга разм соламан. Ўтиб кетаётган ота-оналар, ўқувчилар билан суҳбатлашаман. Суҳбат асосида ҳовлининг супурилганига, ариқларнинг тозаланганига эътибор бераман. Халқимизда «Ерга супурги тегса, ер юзи очилади (ёришади)», — деган ҳикматли гап бор. Самимий суҳбатларда, синфхоналардаги баҳслашувларда инсонлар гўё ердан мадад оладигандай туюлаверади менга.

Эрталаб ўқитувчи ва ўқувчиларни шахсан қабул қиламан. Эрталабки жисмоний тарбия машқларида барча-барча иштирок этади. Сўнгра илм маскани умумий ҳолати таҳлил қилинади. Мактабнинг кун тартиби, бугунги, эртанги юмушлар ҳақида қисқача маълумот берилади.

Ўғил-қизлар соат 7.55 да мактаб ичкарисига қўйилади. Фойега мақол-маталлар, ҳикматли сўзлар қаторида жамоамиз дастури акс этган стенд илинган. Ундаги битиклар мактабимиз пировард мақсадларини аниқлаштиради: «Мактабнинг асосий вазифаси — комил инсонни тарбиялаш ва унга илму маърифат бериш. Аниқроғи, ўқувчилар қалбига диёнат, оқибат, раҳм-шафқат, эътиқод, яхшилик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни илм-маърифат—ҳаётий сабоқлар орқали сингдиришдир».

Шунингдек, дастурда очиқ дарслар, тарбиявий машғулотлар, ўқитувчи ижодкорлиги, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар мажмуи мужассамлашган. Унда қайд этилганидек, илм масканида таълим олаётган ўқувчиларнинг онгги дарс орқали ўсади, камолга етади. Бизда янги ўқув йили ўзига хос йўсинда бошланади. Машғулотлар бошланишидан икки кун илгари ёш ўқитувчиларга меҳнат дафтарчалари тантанали равишда топширилади. Тантанали йиғин Мустақиллик байрами тадбирларига уйғунлашиб кетади. Булар ёш муаллим қалбида бир умр муҳрланиб қолади, шу туфайли у мактабга бутун меҳрини бағишлайди.

Тажрибали муаллимларнинг тез-тез очиқ дарслари ташкил этилади, у ерда улар ўзаро тажриба алмашадилар. Шулар асосида илм даргоҳимизда туман миқёсида «Ёш ўқитувчилар мактаби» фаолият кўрсатмоқда. Унда ҳар ўн беш кунда «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови иштирокчилари, илғор муаллимлар, мактаб ўқитувчилари — М. Толибова, Ш. Ҳидоятова, В. Ждановалар машғулотлар олиб боришяпти.

Ўзим дарс таҳлилларига кирганимда, «Шуни билгинки, ўқувчилар фақат уларни ҳурмат қилган педагогларни ҳурмат қиладилар» каби маслаҳатлар бераман. Ҳар куни ўқитувчилар билан шу хусусда 1-2 дақиқа суҳбатлашаман.

Ўқувчи ҳиссиёти мисоли булоқ. Булоқ кўзини очиш меҳрибон, шу билан бирга талабчан устозларгагина насиб этади. Шу боис ўқитувчи ижодкорлигига алоҳида эътибор бераяпмиз. Ҳозир муаллимлардан — математика фани ўқитувчиси О. Муҳаммаджонова «Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда, уларни маънавий камол топтиришда математика фанининг тутган ўрни ва бу фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги», бошланғич синф ўқитувчиси М. Розиқова «Рейтинг усули аҳамияти», меҳнат фани ўқитувчиси И. Сеутова «Меҳнат дарслари — бола камолоти ва дунёқарашини ўстириш омили», Мавлуда Обидова «География дарсларида адабиёт ва халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш», Н. Одилова «Ўзбек адибларининг болаларга атаб ёзган асарлари, ҳикояларининг ўзига хос хусусиятлари (Дарсликлар асосида)» мавзуларида ижодий изланяптилар, ижодкор муаллимларни раҳбатлантириб бораяпмиз.

Ҳар жума куни мактабда сиёсий дақиқалар ташкил қилинади. Унда Давлатимиз рамзлари ва Мадҳиямиз ҳақидаги тушунчалар мустаҳкамланади. Жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин олаётган мамлакатимиз муваффақиятлари хусусида маълумотлар берилади.

(Давоми 2-бетда).

МАЗМУН ВА МОҲИЯТ
2-бет.

Биржалар, аукционлар, қимматбаҳо қоғозлар ва тадбиркорлик
3-бет.

ҲАР БИР КУНИМИЗ ЯНГИЛИК!



Ҳумоюн АКБАРОВ — мамлакатимиз туманларидан бирида халқ таълими тизимини бошқараётган энг ёш мутахассисларимиздан. У 1964 йили Андижон вилояти Бўз туманининг Бешгул қишлоғида туғилган. ТошДУ ўзбек филологияси факультетини тугатгач, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тошкент оқшоми» газеталарида, республика таълим марказида, Халқ таълими вазирлигида ишлаган. 1994 йилдан буён Бўз тумани халқ таълими бўлими мудири. Оилали, бир қиз, икки ўғилнинг отаси. Бобур бобомиз айтмоқчи, яхшигина «табъи назми бор».

Қуйида Ҳумоюн Акбаров билан бўлган суҳбатни ва унинг қаламига мансуб шеърларни ўқишингиз мумкин.

— Ҳумоюн, халқ таълими соҳасидаги янги авлод вакилисиз, яъни ўттиз ёшингизда туман халқ таълими бўлимига раҳбар бўлиб келдингиз. Ишни нимадан бошладингиз? Қийин бўлмадими?

— Туман халқ таълими соҳасидаги фаолиятим мобайнида шу фикрга келдим: биринчидан, фидойи ва истеъдодли ўқитувчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш лозим. Иккинчидан, кескин равишда соҳадаги янгиликларни жорий этиш керак ва ҳоказо. Таълим-тарбия соҳасининг чегараси йўқ, деб ўйлайман. Шу сабабли ҳар бир йўналишдаги ишнинг, аввало, самарасини аниқ режаламай иш юритиш — муаллақликдир.

— Шу пайттача қандай янгиликлар қилдингиз ва яна нималар қилмоқчисиз?

— Бугунги кунда таълим соҳасида янгилик қилдим, дейиш анчайин мураккаб масала. Чунки республикамиз мустақилликка эришгандан буён ҳар бир кунимиз янгилик билан келмоқда. Алифбо — янги! Дарслик — янги! Услуб — янги! Баҳолаш — янги! Умуман дунёқараш янги! Кейинги беш йил давомида таълим-тарбия соҳасида кўплаб ҳужжатлар келмоқдаки, уларни тўлиқ ўзлаштириб такомиллаштиришнинг ўзи янгиликдир! Ҳозирги даврнинг ўзи — ўсиш, янгиланиш давридир. Бундан бир-икки йил аввал иқтисодий ёки бошқа бир сабаб билан бошқа соҳага ўтган ўқитувчи мактабга қайтган тақдирда, у бир-икки йил давомида ўз соҳасини ўзлаштириб олишига ишонмайман. Шу ҳолатнинг ўзиёқ вақтнинг қандай кечаётганлигини исботлайди.

Биз учун катта янгилик — янги турдаги ўқув муассасалари. Улар эл эътиборини қозонди. Андижон вилоят халқ таълими бошқармасининг бевосита раҳбарлигида бизнинг туманда ҳам ўтган ўқув йилида 2 та гимназия, 1 та лицей, 1 та боғча-гимназия ташкил этилди. Мактаблардаги лицей, гимназия синфлар билан биргаликда иқтидорли болалар билан ишлаш борасидаги режаларимиз тўлиқ амалга ошмоқда. Шунингдек, уч йилдан буён битирувчи синф ўқувчиларини олий ўқув юрти тест синовларига тайёрлаш йўллари устида тажрибалар ўтказяпмиз.

Ҳар 5 та мактаб учун 1 та марказлашган тайёрлов курслари ташкил қилинди. Натижа ёмон эмас. 1994-95 ўқув йили якунига кўра ҳар 7 битирувчидан бири, 1995-96 ўқув йили якунига кўра ҳар 5 битирувчидан бири олий ўқув юртига муваффақиятли киришди. Умуман битирувчиларимизнинг кўпчилигидан олий ўқув юрти ўқитувчилари ҳам мамнун. Бу соҳадаги ишлар самараси учун Фарғона давлат университети раҳбариятидан миннатдормиз. Бу йилдан бошлаб туманимиз ҳокими ва Андижон давлат уни-

(Давоми 4-бетда).

НОНУШТАДАГИ ЗАҲАР

Ҳозиргача Японияда 0 — 157 бацилласининг эпидемияси туфайли 10 минтга яқин аҳоли касалланган ҳамда 11 киши ҳаётдан кўз юмди. Иватэ медицина университетида бактерия эпидемиясининг тез ёйилиб кетишининг аниқ жавобини топишга эришдилар: сентябрда Мориока шаҳридаги оммавий зиёфатларнинг мактаб ошхоналарида нонушта тайёрлашга ишлатилган озиқ-овқат маҳсулотлари сабаб бўлган.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

Кунига бир дона олма еб туриш инсонни инфаркт ва инсультдек дардлардан сақловчи энг фойдали усул, деб ҳисоблайди британиялик олим Роберт Добсон. Британиядаги Рак тадқиқот марказида олманинг танада зарарли яллиғланишлар олдини олиши тўғрисида далиллар аниқланди.

СУВ ЎТЛАРИДАГИ ОЛТИН

Украиналик олим Викторио Льопис олтин қазиб олишда катта янгилик қилмоқчи. Унинг аниқлашича, сув ўтлари ўзига ҳар қандай қимматбаҳо металларни ёпиштириб олиш хусусиятига эга экан. Олим махсус асбоблар орқали ўз ихтиросини конларда синаб кўришда давом этмоқда, бу йўл билан олтинни одатдагидек 50 — 60 фоиз миқдорда эмас, 90 фоизгача олиш мумкин экан.

ДИНОЗАВРНИНГ СИРЛИ ИШҚИБОЗЛАРИ

130 млн. йил олдин яшаган динозавр — стегозавр қолдирган оёқ изларининг ўгирланиши Австралия ҳукуматини ҳайратда солди, сабаби илмий экспедиция ишлаётган манзил қаттиқ сир тутилаётган эди. Бу излар, олимлар фикрича, Австралиянинг бир вақтлар Африка, Жанубий Американи бирлаштирган Гондвана материгининг қисми бўлганлиги ҳақидаги назарияни асослаб бериши мумкин экан. Ҳозирча динозавр изи йўқолди-ю, бироқ ўгрилар изи топилганича йўқ.

H_2O ҲАМ ЁНАР ЭКАН-ДА

Ҳиндистон технология институтида биохимик-кашфиётчи ўз ихтиросини — сувдан суюқ ёнилғи олишни намойиш этди. У маҳаллий усимлик баргларидан 55 граммини оддий сувга солди ва бунга яна катализатор сифатида порошок қўшиб юборди ҳамда бир неча минутдан сўнг ярим литр ёқилғи олди. Маҳаллий химия лабораториясидаги таҳлил янги ёнилғи углеводород бирикмасидан иборат эканлигини тасдиқлади. Олим ўз сирини кашфиётини тасдиқлатиб олгач очиб бермоқчи.

Акс-садо

«Маърифат» газетасининг шу йил 12 октябрь сонида эълон қилинган 274-ўрта мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси Маҳмуда Валиеванинг «Ишни ўзимиздан бошласак» сарлавҳали мақоласини ўқиб, муаллиф шу куннинг долзарб масаласини ўқитувчилар ҳукмига ҳавола қилибди, дея ўйладим.

Дарҳақиқат, кейинги вақтларда ўқувчиларда китобга муҳаббат сусайгани рост. Боиси, ўқувчиларга дарсликда берилган шеър, ҳикоя ёки бошқа асар парчаларидан ўқиб бериш билангина чекланиб қолаяпмиз. Бу ўринда, айниқса, адабиёт ўқитувчилари ижодкор бўлиши, ўқувчиларни ўз фанига қизиқтира олиши ўта зарурдир. Муаллиф «ўқитувчилар дарслик ва дастурдаги материални бериш билан кифояланадилар» деганда, афсуски, ҳақ.

МАЪНАВИЯТЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Биз, муаллимлар, ўқувчи ўз ўқитувчисидан андоза олишини сира-сира унутмаслигимиз керак.

Маҳмуда Валиева яна бир ўринли таклифни айтади. Ҳақиқатан ҳам деярли ҳар бир ўқувчи танаффусда мактаб ёнгинасидаги бозорча ёки тижорат дўконларидан сақич, «чупа-чупс», қурт, писта кабиларни харид қилишга югуради. Биз, муаллимлар, ўқувчиларни 5-10 сўмга қурт, писта харид қилиш ўрнига газета-журналлар ҳам харид қилишга, уларни мутолаа қилиб боришга ўргатишимиз керак. Бунинг учун мактаб кутубхонасида ҳар куни газета ва журналлар олиб келиб сотилса, ота-она фарзандига қимматбаҳо кийимлар, фалон сўмлик портфель, 400-500 сўмга денди олиб бериши билан бирга газета-журнал ўқишини ҳам талаб қилса, маънавиятли, баркамол фарзандларни тарбиялаб, етиштирган бўлур эдик.

Қидирбой ТЎЛЕБОЕВ,
халқ таълими аълочиси.

КУТУБХОНАДА ЯНА БИР БЎЛИМ

Урганч шаҳридаги Раҳмат Мажидий номли кутубхона қошида халқимизнинг миллий-маданий меросини, анъаналаримизни, миллатлараро дўстлик ва барқарорликни сақлаш, маънавий тараққиётни тарғиб қилиш мақсадида маънавият ва маданий мерос бўлими ташкил қилинди. Мазкур бўлим марказий ва туманлардаги кутубхоналарга керакли адабиётларни тўплаб беради.

ММММ ХАБАРЛАРИ

БИЛИМДОНЛАР ТАНЛОВИ

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 61 та мактаб ўқувчилари ўтасида «Давлат Рамзлари Билимдонлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танлов низомига мувофиқ беллашувнинг 1-2 босқичлари ҳудудларда ўтказилиб, ғолиб ўқувчилар гуруҳи эса 3-босқичда иштирок этди.

Туманлардаги 2, 3, 12, 29, 49, 57- мактабларнинг ўқувчилари кўрик-танловнинг 3-босқичида ўзаро беллашдилар. Қизғин баҳслар остида ўтган беллашувнинг сўнгида Фурқат номли 2-ўрта мактабнинг «Нурли йўл» гуруҳи ғолиб деб топилиб, вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

FITRAT HAQIDA FIKRLAR

Nukus shahrida Turkistondagi jadidchilik harakatining yirik namoyondasi, etuk jamoat arbobi Abdurauf Fitrat tavalludining 110 yilligiga bag'ishlangan adabiy kecha bo'lib o'tdi. Unda Nukus shahri hokimi A. Ametov, Qoraqalpog'iston Jo'qorg'i Kengesi fan, madaniyat va ijtimoiy rivojlantirish masalalari qo'mitasi raisi B. Abdukamolov, Qoraqalpog'iston Respublikasi manaviyat va ma'rifat markarining raisi M. Yusupov va boshqalar qatnashdilar.

Kechada Fitrat hayotiga doir mavzularda bir guruh etuk olimlar o'z chiqishlari bilan tinglovchilarda ulkan taassurot qoldirdi.

ММММ ХАБАРЛАРИ

ЯНГИ БИЛИМ ДАРГОҲИ

Термиз давлат университети қошида халқаро бизнес коллежи очилди. Бу илм масканига ҳозирда 63 нафар талаба тест синови йўли билан қабул қилинди. Улар энди 4 та мутахассислик бўйича касб ўрганадилар. 1 ноябрдан бошланган ўқув ишлари шартнома асосида олиб борилаяпти. Бўлажак бизнесчиларга малакали мутахассислар томонидан сабоқ берилмоқда.

МУАЛЛИФЛАР: М. ХОЛМАТОВ, Poshsha RAJABOVA, Л. БЎРИЕВ, У. АҲРОРОВ.

МАКТАБ— ЖАМИЯТ КЎРКИ



(Боши 1-бетда).

Айни кунда қайси ўқувчидан сўраманг, Герб, Конституция, Байроқ, Мадҳия борасидаги билимини бурро-бурро намоён этади. Президентимизга, Мадҳия ва Давлат рамзларига бўлган муносабатдан Ватанга муҳаббат, ифтихор, мустақил юрт билан фахрланиш туйғуси юзага келади. Яқинда 9-»А» синф ўқувчиси Маҳбуба Абдуллаева «Ватан саждагоҳ каби муқаддас» туман иншолар кўрик-танловида биринчи ўринни, шаҳарда эса иккинчи ўринни эгаллади.

Мактаб қошида 1993 йил май ойидан «Маданий меросга ихлос» маркази фаолият кўрсатаётир. Туман, шаҳар мактабларининг иқтидорли ўқувчилари марказ фаолияти орқали республикамизнинг кўзга кўринган шоиру ёзувчилари, атоқли олиму фозиллари, санъаткору ҳунармандлари, тадбиркору ишбилармонлари маърузаларини тингламоқдалар. Туркум маърузаларда ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, ал Бухорий, ат-Термизий, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Аҳмад Яссавий, Навоий, Бобур, Усмон Носир, Абдулла Қодирий каби алломаларнинг ҳаёт ва ижоди, ранг-баранг адабий-маданий мероси чуқур тадқиқ этиляпти. Ўзаро баҳслар, мунозаралар, учрашувлар, суҳбатлар ўғил-қизлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мактабда 2 та ижтимоий ва табиий фанлар услубиёти ва бу услубиётлар таркибида бир нечта фан гуруҳлари ишламоқда. Илм масканида услубий ишлар самараси ўлароқ билим сифати йилдан-йилга кўтариляпти, ўқитишнинг янгича тамойиллари синовдан ўтказиляпти. Гимназия синфларида 600 нафардан ортиқ ўқувчи ўқитилмоқда. Ўғил-қизлар туман, шаҳар, республика олимпиадаларида қаторасига совринли ўринларни эгаллаб келишяпти. Битирувчиларнинг 95 фоизи олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кирмоқда.

Бундан ташқари, оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик тамойилига қатъий амал қилаяпмиз. «Оталар йиғилиши», «Оналар мажлиси» каби йиғинлар ўтказиб турамиз. Оталар йиғилишида оила сарбонлари ҳақида гаплар бўлади. Оналар мажлисида эса «Қизингиз ҳаётга тайёрми?» мавзуида таҳлилий фикрлар юритилади. Онанинг вазифаси, оиладаги ўрни ҳақида ибратли фикрлар баён қилинади.

Ишимизни янада ривож топтириш учун «Новза» маҳалласи раиси Жорил ота Ҳидоятов, шу маҳаллада истиқомат қилувчи Ғафуржон Муҳамедов, Тоҳир Воситхонов каби фидойи, болапарвар инсонлар «Биздан қандай ёрдам керак» деб келиб туришибди. Демак, жамият юзи мактабга буриляпти, кучлар бирлашяпти. Буни фақат қутламоқ керак.

Мустақиллик қалбимизга «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Маънавиятсиз келажак бўлмайди», «Мактаб — жамият кўрки» каби улуғ фикр ва туйғуларни олиб кирди. Энди мактаб директори муаллимларга суяниб, жамоатчилик кучига таянган ҳолда кенг кўламли ишларни амалга ошириши керак. Вазифа, бурч, масъулият, тадбиркорлик тушунчалари бир зум раҳбар хаёлидан кўтарилмаслиги лозим. Шундагина у педагогик жамоа, ота-оналар, эл-юрт ишончини оқлайди, ҳурмат-эътибор топади.

Йўлчи АБДУЛЛАЕВ,
Шайхонтохур туманидаги
254-мактабнинг директори.



Нажмиддин Рустамов Тошкент шаҳридаги 224-ўрта мактабнинг энг фидойи ўқитувчиларидан бири саналади. У қарийб 32 йилдан буён физика фанидан сабоқ бериб келмоқда. Суратда: Н. Рустамов ўқувчиларга галдаги амалий машғулотларни тушунтираяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Халқ таълими фидойилари

ПАРВОЗИНГИЗ ЮКСАК БЎЛСИН!

Дунёда она қувончидан юксакроқ туйғу бўлмаса керак. Қизининг тиниб-тинчимаслиги — ҳали у китобни, ҳали бу китобни олиб варақлаши Муҳаррам опага завқ бағишларди. У қизи Мақсудага одобли, покиза, интизомли бўлишни уқтирарди. Шу боис у ёшлигидан ота-она ўгитларига қулоқ тутадиган, билимга ташна, янгиликларга интилувчан бўлиб ўсди. Муҳаррам опа ўқитувчи бўлгани учунми, ўз фарзандлари ҳақида бошқалардан илиқ гаплар эшитишни истарди. Шундай бўлди ҳам. Мақсуда доимо аъло баҳоларга ўқир, айниқса, чет тилига ҳаваси баланд эди. Ўқувчилик даврида республика олимпиадаси ғолибларидан бўлди.

Мақсуда ўрта мактабни тугатгач, Тошкент Давлат университетининг чет тиллар факультети француз тили бўлимига ўқишга кирди. Талабалик даврида ҳам аълочилар сафида бўлди. Беш йилдирки, у ўзи таълим олган Қизилтепа туманидаги Садриддин Айний номли мактабда самарали ишлаб келаётир.

Муаллиманинг маҳорати йил сайин ортиб бормоқда. Аввал санъат байрамларида, турли кўрик-танловларда фаол қатнашиб келган Мақсуда Эшонқулова учун 1996 йил ҳақиқий синовлар йили бўлди. У туманда ташкил этилган «Ўқитувчи-96» кўрик-танловида ғолиб деб топилди. Ўқитиш услублари, маҳорати, тажрибаси бўйича Навоий шаҳрида ўтказилган шундай танловдан ҳам унинг юзи ёруғ бўлиб қайтди. Она изидан бориб, ёшларга чет тилидан сабоқ бераётган Мақсуда Эшонқулованинг маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Унга Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда Қизилтепа туман халқ таълими бўлими, туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари, мукофотлар тақдим этилди. Шунингдек таътил даврида дам олиши учун бепул йўлланма ҳам берилди.

— Чет тилини ўрганиш зарур эмас, деганлар хато қиладилар, — дейди М. Эшонқулова. — Тил билган — эл билади, деган нақл бор. Айниқса, Ўзбекистонни жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари тан олган ва она диёримиз дунё миқёсида иқтисодий алоқалар ўрнатаётган ҳозирги даврда бу жуда муҳимдир. Ана шунинг учун чет тилларни ёшларга ўргатишга жазм этганман.

Хўш, муаллима Мақсуда Эшонқулованинг ўзига хос иш тажрибалари нималардан иборат?

Муаллима, авваламбор, ҳар бир дарсни имконияти борича кўргазмали қуроллар ёрдамида ўтади. У назариядан кўра амалий машғулотлардан кўпроқ фойдаланади. Машғулот жараёнида савол-жавоблардан самарали фойдаланади. Ўқувчиларнинг дарс қолдиришига ёки кечикиб келишига асло йўл қўймайди. Узрли сабаблари бўлмаса, ўқувчиларга машғулотлардан жавоб бермаслик муаллиманинг доимий одатидир.

Таржима — сўз бойлигини оширишда, тил ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис М. Эшонқулова ўқувчиларга аксарият ҳолларда матнни уйда, мустақил равишда таржима қилиб келиш вазифасини беради. Ўқувчини билимига қараб баҳолайди. Ўзлаштирилиши оғир бўлганларни камситмайди. Улар билан дарсдан кейин шуғулланиб, топшириқлар бериб, ижросини назорат қилади. Айниқса, дарс пайтида синфнинг ўзида ҳаракатли саҳна кўринишларидан фойдаланиши ўқувчилар қизиқишини, маҳоратини, билимдонлигини оширишга хизмат қилаётир.

Бир мисол. Мақсуда Эшонқулова дарс бераётган синфлардан бирига бошқа мактабдан Шароф Ҳамроев деган бола келганди. Бирорта ҳам французча сўз билмасди. Орадан беш ой ўтгач, у бемалол француз тилида гаплашадиган бўлди. Муаллима дарсларнинг мазмундор, тушунарли бўлиши учун ўзи шеърлар ёзади, ҳатто куй ҳам басталайди. Шу туфайли дарслари жонли, қизиқарли.

Мақсуда Эшонқулова Навоий шаҳрилик дугонаси Гулнора Жабборовадан мактуб олди. Унда шундай дейилган: «Мақсудахон, Сизни вилоят ўқитувчилари кўрик-танловида I ўринни эгаллаганлигингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Эзгу ишларингизга муваффақиятлар тилайман. Парвозларингиз юксак, йўлингиз ойдин бўлсин!».

Ҳа, изланиш ва ташвишларнинг мана шундай қувончлари ҳам бўлади.

Баҳодир ЭГАМОВ.
Навоий вилояти.

Тажриба майдончаларида

ЖАДАЛЛАШТИРИБ ЎҚИТИШГА БИР НАЗАР

Республикамиз мустақиллигининг биринчи йилиёқ (1992 йил 3 июль) «Таълим тўғрисида» Қонун қабул қилинди. У юртбошимиз томонидан халқ таълимига, келажагимиз бўлган ёшлар тарбиясига, маърифат ва маънавият масалаларига бўлган эътибор рамзи сифатида юзага келди. Қонуннинг 3-моддасида билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш тамойили илгари сурилган ва келажагимизнинг эгалари бўлган иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг ҳар томонлама етук комил инсонлар бўлиб етишувига ёрдам бериш алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу модда болалардаги билим ва истеъдодни аниқлашга доир дастурлар тайёрлаш ва амалда қўллашни, шунингдек, табақалаштирилган ўқитиш масалаларини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарурлигини тақозо этади.

Хўш, бу йўналишда нима ишлар қилинди ёки қилинаётир?

Тажриба-синов изланишларини амалга ошириш мақсадида ТШУМОИ бошланғич таълим бўлимида тузилган ижодий гуруҳлар олдига «Алифбе»сиз ўқий оладиган болалар билан ишлаш юзасидан методик тавсиялар тайёрлаш вазифаси қўйилди. 1991-92 ўқув йилида Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги 60- ва 94-, Яккасарой туманидаги 48- ва 89-мактабларда синов ишлари ўтказила бошланди.

Маълумки, 1991/92 ўқув йилида бошланғич мактабда таълим уч йиллик эди ва 1-синфларда ҳамма болалар аралаш қабул қилинарди. Юқорида санаб ўтилган мактабларда эса, ўз таркибига психолог, логопед, врач, бошланғич синф ўқувчиси, директор, илмий бўлим мудири кабиларни бириктирган комиссия томонидан болалар танлаб олинди. Бу синфларга минутига 15—20 та сўзни ўқий оладиган болалар қабул қилинди. Улар ўқишни билсалар-да, ёзув малакасига эга эмасдилар. Ўқитувчилар олдида жуда қисқа давр ичида (4 ой ўрнига 9 ҳафтада) ўғил-қизларга ҳарфларнинг ёзма шаклини ёзишни, матнни кўчира олишни ўргатиш вазифаси турарди. Шу боис махсус режа тузилиб, иш бошланди. Натижада 1991 йил декабрга келиб, 7 ёшли ўқувчилар ўз тенгдошларидан ўқиш тезлиги бўйича анча илгарилаб кетдилар. Ўндан ташқари, босма ёзувли матнни ёзма ҳарфлар билан ва айтиб туриш орқали ёзадиган, бирмунча мураккаб масала-мисолларни еча оладиган бўлдилар.

1992 йил май ойида ТШУМОИ бошланғич таълим бўлимида таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчиларидан 27 нафари тайёрлов курсидан ўтди. 1992 йил сентябрида буён М. Улуғбек туманидаги 241- (Х. Алимова), 308- (Р. Мирзалиева), С. Раҳимов туманидаги 16- (К. Жураева), 29- (Ф. Расулова), 249- (М. Раҳимова), 28- (С. Хайкариева), 29- (М. Агзамова), Миробод туманидаги 110- (М. Хонхужаева, Т. Усмонова), Акмал Икромов туманидаги 4- (М. Мансурова), 193- (М. Сулаймонова) мактабларнинг таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синфларида жадаллаштирилган усулда дарс берилаяпти.

Орадан маълум вақт ўтгач, ўқув йили сўнги чорагида Тошкент шаҳар ХТББ томонидан бу синфлар иши текширилди. Текширув натижасида 10 та мактабда жадаллаштирилган дастур бўйича 270 бола таълим олиб, йил мобайнида 4 йиллик бошланғич мактабнинг 1-2-синф дастури доирасидаги малакаларни эгаллаганликлари аниқланди. Методик кенгаш аъзолари ўқувчилар бир минутда 50-60 сўзни равон ўқий олишини қайд этди. Ваҳоланки, 15 апрелга келиб оддий синфларда энди «Алифбе»ни ўқиб тугатган болалар минутига атиги 20-25 сўзни бўғинлаб ўқий оладиган бўлишганди.

Математика бўйича жадаллаштирилган таълим синфларида 100 ичида мисоллар еча олдилар, икки амаллик масалаларни ҳал қила олишди, оддий синф болалари 20 ичида санай олдилар, 1 йўлли масала ечишни ўргандилар.

Жадаллаштирилган таълимнинг юқори самарадорлигини ҳисобга олиб, ТШУМОИ маъмурияти ва БТБ 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига Тошкент шаҳри мактабларида синов ишларини кенг равишда бошлашга рухсат сўраб хат билан мурожаат қилдилар. Натижада жадаллаштирилган таълим берувчи бошланғич синфларни очиш ва Тошкент шаҳридаги шундай мактаблар учун ўқув режаларини тасдиқлашга рухсат этилди. Шунингдек, тажриба-синов ишларининг қайси мактабларда олиб борилиши белгиланди.

Утган йилнинг сентябрь ойида ТШХТББ ва ТШУМОИ ходимларидан иборат комиссия жадаллаштиришган таълим берилаётган синфлар ишини ўрганди. Бу текширув натижасида жадаллаштирилган таълим синфларини очиш масаласига ҳамма мактабларда ҳам жиддий қаралмагани аниқланди. Баъзи мактаблар узларича лицей синфи, гимназия синфи каби номлар билан танлаб олиб ўқита бошладилар. Уларда болаларни бу синфларга танлашда ТШУМОИ метод кенгаши тавсия этган ва ТХТ бўлимларига тарқатилган тавсияномаларга риоя қилинмаган ва бундай синфлар ТШХТББ буйруғисиз очилган.

Текшириш якунлангач, ТШХТББ буйруғига кўра жадаллаштирилган услубда таълим бериш мақомини олган мактаблар руйхати қайтадан тасдиқланди.

Шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти бошланғич таълим метод кабинети 1995/96 ўқув йилининг I ва II ярмида жадаллаштирилган таълим бўйича ўқийдиган мактабларнинг IV синф ўқувчиларини барча фанлар бўйича тест синовидан ўтказди. Натижалар шуни кўрсатдики, жадаллаштирилган таълим синфларида ўқувчилар фанлар бўйича чуқур билимга эгалар. Улар масалаларни ўзига хос тарзда фикрлаб ечадилар, нутқлари равон, жавобларининг ҳақлигини асослай оладилар.

1994/95 ўқув йилида ўрта бўғинга жадаллашган синфда таълим олган болалар келишди. Улар ўз тенгдошлари билан таққосланганда билим ва малакалари ҳар томонлама юқори эканлиги намоён бўлди. 94, 48, 89, 145-мактабларда 1994 йил октябрида 5-синф ўқувчиларининг узлаштиришини қиёсий таққослаш натижасида бу ўқувчиларнинг билим даражаси, саводи юқорилиги, ҳозиржавоблиги, энг асосийси, мустақил равишда билим олишга интилувчанлиги, ўқиганлари асосида мантиқий хулоса чиқариш ва ўз хулосаларини изчил баён этиш малакалари аъло даражада эканлиги аниқланди. Хуллас, таҳлиллар табақалашган ўқитишнинг ҳаётга дадил ва тобора муваффақиятли кириб келаётганини кўрсатди.

Лекин ижобий кўрсаткичлари билан бирга, жадаллаштирилган синфларни очишда кўпгина ноаниқлик ва муаммолар борки, уларни ҳал этишнинг мақбул йўсинларини топиш зарур.

Аслида бошланғич таълим ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг асоси, умумий таълимнинг пойдевори, инсон камолоти тизимини йўналтирувчи энг муҳим босқич ҳисобланади. Таълим табақалашяпти. Аммо дастур ва дарсликлар эса бир хил. Келгусида ана шу дастур ва дарсликларни бутунлай қайта тузишга тўғри келади. Шунингдек, табақалашган, паст ўзлаштирувчи ўқувчилар тўпланган синфларга риёзиёт, она тили каби фанларни чуқур ўргатиш ўринли эмас деб ҳисоблаймиз. Бу фанлар учун ажратилган соатлар қисқартирилиб, уларнинг ўрнига тасвирий санъат, мусиқа, жисмоний тарбия, меҳнат турлари (уймакорлик, миллий каштачилик, дўппидўзлик, кулолчилик) каби ҳунарлар ўргатилиши мақсадга мувофиқдир.

Дастур ва дарсликлар мазмунини қайта қуриш вақтида болалар учун тушунарли, содда, тез қабул қила оладиган мавзуларни киритиш лозим. Жисмоний тарбия дарсларида қизларга алоҳида дастур тузилиб, имкони борича миллий урф-одатларга зид бўлмаган машқлар ўргатилиши тарафдоримиз. Қизлар ҳеч бўлмаганда уй-рўзғор тебратишни, кийим тикишни, таом тайёрлашни муомала маданиятини ўзлаштирсалар, ўғил болалар эса рассомчилик, мусиқа сирларини ёки спорт соҳасидаги бирор турни ўрганиб олсалар фойдадан холи бўлмас эди.

Табақалаштириш жараёнида ўғил-қизларни камситиш ва ўкситиш каби номақбул ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги, шу билан бирга мактаб раҳбарлари, шу синф ўқитувчилари, руҳшунос ва албатта, ота-оналар иштирок этиши керак. Қисқаси, гуруҳлар иқтидорли болалар учун, бирор фан ёки касб чуқур ўргатиладиган ҳамда боланинг ўзи қизиқадиган ҳунар бўйича ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳамаджон АҲМЕДОВ,
РТМ бош методисти.
Шомухтор ШОМАНСУРОВ,
ТШЎМОИ директори.

Бошланғич таълим ўқитувчиларига ёрдам

МАЗМУН ВА МОҲИЯТ

Бошланғич таълим умумий таълимнинг пойдевори, таянч нуқтаси ҳисобланади. Зеро, пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, кейинги вазифаларни уддалаш осон кечади. Биз тузган дарслик «Савод» алифбеси ана шундай пойдевор вазифасини ўтамоғи даркор. Алифбеда тайёрлов даврига 24 соат вақт ажратилган (12 соат ўқиш, 12 соат ёзув дарслари). Бу даврда ўқувчилар асосан нутқ, гап, сўз, бўғин ва товуш тушунчаларини пухта ўзлаштириб олишлари зарур. Ўқитувчи нутқнинг фикрлари (оғзаки ва ёзма) ҳақида болаларда тасаввур ҳосил қилиш учун расмлар асосида турли ҳикоялар тузади. Нутқнинг гапларга бўлиниши, гапнинг сўзларга, сўзнинг бўғинларга, бўғиннинг товушларга бўлинишини таҳлил-таркиб товуш методи асосида тушунтиради.

Тайёрлов даврининг бир қисми (7 соат) 5 та умумий товуш ва ҳарфлар ўргатишга бағишланган. Баъзан нега ун-ли товушлар олдинда берилган, деган саволларга дуч келаяпмиз. Маълумки, савод ўргатишда товуш асос қилиб олинади. Ҳали товуш ва ҳарф ҳақида тасаввурга эга бўлмаган болага қисқа муддатда буни ўргатиш амримаҳол. Шунинг учун ҳам биз товуш ва ҳарф ҳақидаги тушунчаларни ўқувчиларга пухтароқ ўргатиш мақсадида улар осон талаффуз қиладиган товушларни сўзлдин ўргатишни маъқул деб топдик. Бу даврда ўқитувчи унли ва ундош товушларнинг уч хусусиятини болага пухта сингдириши зарур.

1. Унли товушларнинг оғизда тўсиққа учрамаслиги, чўзиб айтилиши. Ундош товушларнинг оғизда тўсиққа учраши, қисқа айтилишини билиш; чўзса бошқа товуш эшитилишини мисоллар билан тушунтириш. Масалан, бее, пее, нее каби.

2. Унли товушнинг фақат овоздан, ундош товушнинг эса овоз ва шовқиндан иборатлигини билиш.

3. Унли товушларнинг бўғин ҳосил қилиши, ундош товушларнинг бўғин ҳосил қилмаслигини билиш.

Унли товушлар ўрганилади-ган даврда ўқитувчи кўпроқ китоб саҳифасидаги расмлар асосида боғланишни матн-ҳикоялар тузиб, гап-сўз-бўғин-товуш таҳлилини ўтказиши, ўрганилаётган товушнинг сўздаги ўрнини аниқлашга эътибор қаратиши, товуш ва ҳарфларнинг хусусиятларини пухта ўргатиши зарур. (Товушларни талаффуз қиламиз; ҳарфларни ёзамиз, кўрамиз ва ўқиймиз).

Шунингдек, бу даврда болалар ўрганган товуш ва ҳарфларни ёдда сақлашлари учун турли дидактик ўйинлардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Масалан, «Адашган ҳарфни топ», «Қайси ҳарф ортиқча?», «Йўқолган ҳарфни топ», «Қайси қатор биринчи?», «Ким биринчи?» каби дидактик ўйинлар ўрганилган товуш ва ҳарфларнинг болалар хотирасига ўрнашишида ёрдам беради.

Унли ва ундош товушларни ўргатишда ўқитувчи товушнинг ўқувчилар томонидан тўғри талаффуз қилинишига эътибор бериши зарур. Таҳлил-таркиб методи асосида товуш ажратиб олингач, товушнинг талаффузи устида ишланади. Талаффуз пайтида оғиз, тил, лаб ва бошқа органларнинг ҳолати амалий тушунтирилади. Масалан, унли товушлар оғизда тўсиққа учрамаса-да, оғиз, лаб, тил о, у, ў, и, а, е ҳарфларини талаффуз қилганда турли ҳолатда бўлади. Шунингдек, ундош товушлар талаффузида оғиз, лаб, тил билан бирга тиш, танглай, томоқ ҳолатларининг ўзгариши ҳам амалий тушунтирилиши зарур. Товушлар ўқувчилар билан бирга ва якка ҳолатда талаффуз қилинади. Талаффузда камчиликка йўл қўядиган ўқувчилар билан бирга якка ҳолда иш олиб бориш керак. Чунки 6-7 ёшли болалар нутқида р — л, ш — с, ш — ч, ч — с товушларини алмаштириб талаффуз қилиш ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолатда ўқитувчининг индивидуал ишлаши ёрдам бермаса, логопедга мурожаат қилиш зарур. Боланинг нутқидаги, талаффузидаги камчиликлар олди қанчалик эрта олинса, шунчалик самарали бўлади.

Товушларнинг сўздаги ўринлари турлича бўлганда, уни ажратиб олиш машқи, ўхшаш товушларни бир-бирларидан фарқлашга оид машқлар ҳам товушни тўғри ўрганишга ёрдам беради.

Китобга илова қилинган кесма ҳарфлар ва бўғин жадвалидан ўқитувчи ўринли фойдалана билса, болаларда савод ўргатиш жараёни самарали кечади. Муаллим расмли алифбо кесма ҳарфлар ва бўғинларни каттароқ ҳажмда қаттиқ қоғозда тайёрлаб олиши лозим. Қайси товуш ёки ҳарф ўрганилаётган бўлса, ўқитувчи олдин боғланишнинг нутқ-ҳикоя ёрдамида гап-сўз-бўғин-товуш таҳлили ўтказади. Кейин товушнинг ёзувдаги ифодаси — ҳарфни болаларга кўрсатади. Савод алифбесида н товуши ва ҳарфини ўрганиш билан ўқиш бошланади. 5 та унли товуш ва ҳарфни ўқувчилар ўзлаштиргач, н товуши ёрдамида бўғин, сўз ва гап тузиш имконияти кенгаяди. Масалан, н товуши ва ҳарфи ўрганилгач, ун бешта бўғин **но, нў, ну, ни, на, он, ўн, ун, ин, ан, нон, нун, нан, нин** ва ундан ортиқ сўз **ўн, ун, ин, нина, нанна, она, ана, нон, нни, уни** ва бошқаларни тузиш мумкин. Шунингдек, шу саҳифадан бошлаб гап тузиш имконияти ҳам мавжуд. **«Она, ана нон», «Ана ун», «Ана ин»** гапларини тузиб, шу саҳифадан бошлаб тўлиқ ўқиш машқи ўтказила бошлайди. Ўқишга ўргатишда ўқитувчи бўғин тамойилига асосланса, яхши натижага эришади. Шунинг учун ҳам дарсликка илова тарзида бўғин жадвали берилган. Ўқитувчи китоб саҳифаси очилгунга қадар шу жадвал асосида ишлайди. Болалар ҳарфнинг бош ва кичик шакллари билан танишгач, ўқитувчи шу товуш иштирок этган очиқ бўғинлар, кейинроқ эса ёпиқ бўғинларни хатхаста олдига қўйиб, ўқиш машқи ўтказади. Бўғин билан ишлашда ҳам ўқитувчи турли дидактик ўйинлардан фойдаланса, болаларнинг узлаштириш жараёни осон кечади.

Болалар ҳарфни таниб, бўғин ўқишни ўрганиб бўлгач, дарслик саҳифаси очилади. Ўстунчадаги бўғинларга бўлинган сўзлар ва матн ўқилади, мазмуни ҳикоя қилинади.

Биз китобнинг 27-саҳифасидан бошлаб сарлавҳа қўйилган митти ҳикоячаларни берганмиз. Матнлар аста-секин мураккаблашиб борган. Мақсадимиз, болани тўғри, саводли ўқишга ўргатиш билан бирга унинг нутқини ривожлантириш, мантиқий фикрлаш қобилиятини ўстириш. Шунинг билан бирга тузган матнларимизда боланинг дунёқарашини ўстириш, маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялашга ҳам эътибор қаратганмиз.

Матн билан ишлашда ўқитувчи нотаниш сўзлар луғатини изоҳлашга аҳамият бериши зарур. Бундай сўзларни болалар радио, телевизордан эшитган бўлишлари мумкин. Лекин бу сўзларнинг маъноси таҳлил қилиб тушунтирилса, ўқувчиларнинг нутқ бойлиги ошади.

Дарсни ташкил этиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг физиологик, руҳий ҳолатларини кузатиб бориши, уларнинг чарчашини бартараф этиш мақсадида фаолият турларини алмаштириб туриши, қувноқ дақиқалар ташкил этиши лозим, 6-7 ёшли болалар ҳали мактабга қуникма ҳосил қилмаганликлари сабабли баъзан тартиб-қоидаларни бузиб турадилар. Бундай ҳолатда ўқитувчи овозга куч бермасдан, болани тартиб-қоидага босиқлик билан ўргатиши даркор. Чунки дўқ-пуписа болани тез чарчатади, ўқишдан бездиради. Шунинг учун ҳам бу даврда ўқитувчи ўз овозини тўғри бошқара билиши таълим-тарбия жараёнига сезиларли таъсир қилади.

Бошланғич синфда ўқитувчининг ижодий ишлаши зарур. Чунки бола қалбини забт этиш, унинг билиш имкониятларидан тўла фойдаланиб, тезроқ саводини чиқариш ўта мураккаб жараён. Бу жараёнда ўқитувчининг тинимсиз изланиши, ижодий маҳорати катта аҳамият касб этади.

Талъат ҒАФФОРОВА,
педагогика фанлари номзоди, «Савод» алифбеси бош муаллифи, доцент.

«КОМПЬЮТЕР ШОУ» ВА АЙРИМ ФИКРЛАР

Во ажаб, хўп замонлар келди. Тиниб-тинчимаган одамзот Ер қолиб Коинотни ҳам бориб титкилаб келишди. Бугунга келиб эса ўзидан-да тез фикрлайдиган техника — компьютер яратди. Бугун компьютердан мактабларда, олий ўқув юртларида, ҳатто болалар боғчаларида ҳам кенг кўламда фойдаланилаяпти.

Куни кеча республика Таълим марказида мамлакат биринчилиги учун «Компьютер шоу» телемусобақасининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Эҳтиросли куй-қўшиқлар, қарсаклар жўрлигида ўтган беллашувда Фарғона вилоятининг «Ал-Фарғониий» ҳамда Тошкент шаҳрининг «Ал-Хоразмий» гуруҳлари иштирок этишди. Мусобақа ғоятда муросасиз, ҳаяжонли тарзда кечди. Ахир нега ҳаяжонли бўлмасин, иккала команда ҳам бундан олдинги довонлардан шараф билан ўтиб келган ғолиб жамоалардир. Энди эса улар республикада мутлақ ғолиб бўлиш учун курашишяпти.

Бир-биридан қизиқарли мусобақа шартларини бажаришда дастлаб «Ал-Хоразмий» командаси пешқадамлик қилди. Лекин беллашув ниҳоясида халқимизнинг «Югурганники эмас, буюрганники» деган доно нақли ўзининг нақадар ҳақ гап эканлигини намоён қилиб қўйди. Фарғонанинг «Ал-Фарғониий» командаси республикада «Компьютер шоу» телемусобақасининг мутлақ ғолиби деган шарафли номга лойиқ деб топилди.

Мусобақа сўнгида ғолиб жамоа ўз ҳомийлари томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, биринчи бўлиб ғолиб жамоанинг етакчи, иқтидорли ўқувчиси Жаҳонгир Исмоиловга, сўнгра бир гуруҳ ўқувчиларга «Республика чемпиони» гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Дарвоқе, ҳеч ўйлаганмисиз, аслида мусобақалашишдан мақсад нима? Бу саволнинг жавоби табиий бўлса керак. Мусобақалашиш, шубҳасиз, кишини интилишга мажбур қилади. Республикада кейинги йилларда ташкил этилган «Компьютер шоу» мусобақаси ҳам шу мақсад ҳимоячиси десак адашмаймиз.

Кейинги пайтларда турли босқичларда бўлиб ўтаётган кўрик-танловларда кишини нохуш кайфиятга соладиган баъзи эътиборсизликлар ҳам учрамоқда. Дейлик, мазкур «Компьютер шоу» телемусобақаси давом этаётган бир пайтда саҳнага бир гуруҳ ярим яланғоч қизлар чиқиб, ўз санъатларини намойиш қилишди. Ўйланиб қолдим. Ахир, бизнинг шарқона одобимизга ёт бу хил санъатнинг ҳозирги даврда намойиш қилинишига нима ҳожат бор. Ахир, бу даврада она билан ўғил ўтирибди, устоз билан шогирд ўтирибди. Менинг назаримда, бу кўринишлар ўта бемантиқлик, давра руҳига мутлақо бегона!

Дарҳақиқат, бугунги ҳар бир юриш-туришимиз, кийинишимиз, одоб-ахлоқимиз таълим-тарбияга хизмат қилсин!

Алишер НАЗАР,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Иқтисод сабоқлари

БИРЖАЛАР, АУКЦИОНЛАР, ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК

Биржалар деганда — бир турдаги кўп сонли товарларнинг доимий фаолиятда бўлган бозорини тушуниш мумкин, бу ерда сотувчи ва харидорлар учрашишади.

Биржалар икки турга бўлинади:

1. Очиқ биржа. Бундай биржаларда битимлар биржа аъзолари томонидан ва аъзо бўлмаган ташаббускорлар томонидан тузилиши мумкин. Бу биржалар фаолияти махсус қонунлар билан тартибга солиб турилади.

2. Хусусий биржалар. Бундай биржалар акционер компаниялар шаклида ташкил этилади, лекин биржалар ўз аъзоларига дивидент (акциядан келган даромад) тўламайди. Аммо биржа аъзолари брокерлар ўз ҳисобларидан ва мижозлар ҳисобидан рағбатлантириш пуллари олиш эвазига битимлар тузиш учун монопол ҳуқуқга эга бўлишади.

Биржалар аслида тижорат воситачилари бўлиб, битим тузишга ёрдам беради. Республикамизда ҳозирги кунда ўнлаб биржалар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, «Тошкент», «Ўзбекистон», «Андижон», «Фарғона» ва бошқа биржаларда ҳар бир савдода бир неча миллионлик товарлар сотилади.

Ҳамма савдо-сотиқ иштирокчилари учун биржалар бир хил қоидалар эълон қилади, шартномалар тузиш учун жой таклиф этади ва аниқ вақт белгилайди. Бундан ташқари битим ва шартномаларнинг асосий шартлари, маҳсулотлар сони, сифати, олиб келиш вақти ва тўлаш тартиблари ҳақидаги мажбуриятларни белгилайди. Биржалар ўз омборларидан чиқадиган маҳсулотлар нави, ҳажми ва сифатини доимо кузатиб боради, маҳсулотларнинг баҳоси ҳақидаги маълумотларни биржа аъзоларига ва бошқа қизиқувчи шахсларга ўз вақтида етказиб туради, шартнома ва битим шартлари, тўлаш мажбуриятлари бажарилишига тўяа кафолат берадиган тизимни яратади.

Фақат маълум кишиларгина биржа аъзолари бўлишлари мумкин. Ташкилотларда ишловчи ва биржада шартнома тузишга ҳуқуқи бор шахслар ҳам биржа аъзоси ҳисобланади. Бошқарув биржа аъзолари томонидан сайланган лавозимли шахс томонидан амалга оширилади.

Аҳолининг ҳамма тоифаси учун мўлжалланган бошқа маҳсулотлар билан алмашинув қобилиятига эга бўлган, кўргазмалар орқали савдо-сотиқ ишларини амалга оширишга имкон берадиган маҳсулотлар биржа маҳсулотлари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар биржа маҳсулотларининг кўп қисмини ташкил этади.

Биржа илмгоҳлари кўп асрлардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Маҳсулот биржасининг ривожланиши бир неча босқични ўз ичига олади: мавжуд маҳсулот етказишдан бошлаб, маълум вақт ўтгандан кейин маҳсулот етказиш ҳақидаги келишувгача, яъни шартнома тузилганидан анча вақт ўтгач маҳсулот етказилади. Ҳозирги замонавий фьючерс биржа келишувлари аниқ маҳсулот етказилиш мажбуриятисиз ҳам бўлиш мумкин. Олиб сотиш ва муҳофаза қилиш операциялари доим икки битимдан иборат бўлади:

— **фьючерс** — мавжуд бўлган товарларни сотиш ёки харид қилиш битими;

— **офсет** — фьючерс битимининг тескариси.

Биржа савдо-сотиғининг ўсиши хомашё ва озиқ-овқат бозорлари учун маҳсулот биржалари аҳамиятининг юксалишига олиб келади. Биржада олиб бориладиган операциялар дунё бозорида нарх-наволарни шакллантириш учун катта аҳамиятга эга. Бу операциялар биржа маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ташкилотлар фаолиятига ҳам, маҳсулот талабгорларига ҳам, воситачи фирмалар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади.

Биржа операциялари — Битимлар маълум сифатга эга бўлган стандарт товарлар партиясига мувофиқ тузилади. Бу эса товарларни кўрмасдан ва умуман мавжуд бўлмаган товарлар бўйича биржа операцияларини ўтказиш имкониятини ҳам беради.

«Спорт» битими сотувчи ва харидорлар мавжуд товарни сотмоқчи ёки харид қилмоқчи бўлганида тузилади.

«Шошилинч» битимлар. Олиб сотиш ёки муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилади.

Суғурта қилиш операциялари эса нарх-наво ўзгаришидан келадиган зарарларнинг олдини олиш учун қўлланилади.

Омборларда турган хомашёлар, товарлар мумкин бўлган нарх-наво пасайишидан келадиган зарарларни қоплаш учун суғурта қилинади. Бунинг учун товарнинг эгаси брокерга омборда сақланаётган товарлар партиясига тенг бўлган фьючерсни сотишга кўрсатма беради.

Ҳар бир биржа маҳсулот бозори иккита йўналишдан иборат:

1) мавжуд маҳсулот бозори. Келишувлар шахсий шартнома асосида, телекс, телефон, битим ва ҳ. к. лар орқали амалга оширилади. Шартнома маҳсулот сифати, сони, маҳсулотни етказиш вақти ҳақидаги мажбуриятлардан иборат бўлади;

2) замонавий фьючерс биржаси. Шартномалар хаёлий, ҳали мавжуд бўлмаган маҳсулотлар, товарларни сотиш ёки харид қилиш битимидан тузилади.

Дунёдаги кўп машҳур биржаларда савдо-сотиқ эълон қилиш ёки бор барака ёрдамида, айрим белгиларни изоҳлаш ёрдамида олиб борилади. Ҳар қайси маҳсулот устидаги операциялар махсус белгиланган жойларда, кўпинча, доирасимон жойда амалга оширилади.

Айланагоҳда биржа хизматчилари бўлиб, улар баҳо ва унинг ўзгаришини рўйхатга олиб борадилар. Нархлар дисплейга ўрнатилади ва ахборот ҳар хил алоқа воситалари орқали бутун дунёга намойиш этилади. Лондон ёки Нью-Йоркда рўй берган биржа операцияси бир минутдан сўнг Токио, Мельбурн ва бошқа шаҳарларда маълум бўлиши мумкин.

Биржа операциясини ўтказиш учун бир нечта воситачи фирмалар танланади. Ўтказмоқчи бўлинган операция шу воситачи фирмалар орқали амалга оширилади. Масалан, Сиз Тошкентдаги биржада 100та мис фьючерс битимини сотмоқчисиз. Маҳсулотни етказиш муддати 3 ой. Сиз воситачиларга (брокер фирмасига) мавжуд бўлган бозор нархида сотишни тайинлашингиз мумкин. Бу вақтда сиз ўзингиз хоҳлаган нархни белгиламайсиз, балки воситачи фирмага қўйидаги топшириқни бажариш ҳуқуқини намойиш қиласиз: маҳсулотни иложи борича қиммат нархда сотиш. Воситачига чегараловчи топшириқ ҳам беришингиз мумкин, яъни маҳсулотни маълум белгиланган нархдан кам миқдорда сотмаслик.

Фьючерс битимдаги мажбуриятлар бажарилишига кафолат бериш учун қарийиб ҳамма биржаларда ҳисоб-китоб хоналари мавжуд. Сотувчи ва харидор ўртасидаги шартномалар ҳисоб-китоб хоналари томонидан рўйхатга олинади. Бу ерда ҳисоб-китоб хонаси техник воситачи бўлиб хизмат қилади. Шу туфайли шарномани ҳам сотувчи, ҳам харидор томонидан бажарилишига кафолат берилади. Бордию шартнома бузилган тақдирда шартнома бузилишига айбдор бўлмаган томоннинг ҳамма зарарлари ҳисоб-китоб хонаси томонидан қайтарилади. Шартномадаги айбдор томон ҳуқуқи бекор қилиниб, маҳсулот билан таъминлайдиган ёки маҳсулотни оладиган бошқа шерик билан алмаштирилади.

Ҳисоб-китоб хонасининг аъзолари катта брокер ва савдо фирмаларидан иборат. Улар ҳисоб-китоб хонасини биржадаги шартномалар бажарилишига берилган тўла кафолатларни маблағ билан таъминлаш учун биржа аъзоларидан, биржа эса ўз мижозларидан депозит талаб қиладилар. Шартнома тузиладиган куни депозит ҳам тузилади. Депозитлар алоҳида ҳисобга олиниб борилади ва биржа операциялари тугамасдан туриб, бу маблағларга тегиш мумкин эмас. Тўланадиган депозитларнинг ҳажми контрактдаги маҳсулотлар умумий баҳосининг 5-10 фоизи миқдорини ташкил этади.

Биржа савдосидан ташқари, аукцион савдоси ҳам мавжуд. Аукцион савдосида биржа савдосидан фарқли ўларок, фақат ўзига хос хусусиятли товарлар сотилади.

Аукционлар — белгиланган товарларни сотишга мўлжалланган савдо бўлиб, ҳар йили бир ёки бир неча марта, аукцион вақтига мувофиқ, анъаналарга кўра ўтказилади.

Аукционлар — махсус хоналарга, залларга, асбоб-ускуналарга ва тажрибали ходимларга эга бўлган тижорат ташкилотидир. Аукционда савдо харидорларнинг тўғридан-тўғри иштирокида очиқ ёки ёпиқ ҳолда ўтади.

Давоми бор.

Муҳаммаджон ЎРМОНОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент, республика Таълим маркази бош методисти,
Мукаррам МЎЙДИНОВА,
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бўлим мудири.

ТАБИАТСЕВАРЛАР ТАРБИЯСИ

Шаҳримиз мактаб, боғчаларида экологик тарбияни кучайтириш, болаларда табиатни муҳофазалаш кўникмаларини ҳосил қилиш борасида кейинги пайтларда кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, куни кеча Собир Раҳимов туманидаги 242- мактабда «Экология ва келажагимиз» мавзуида кўрик-кўргазма бўлиб ўтди. Унда тумандаги 34 та мактаб, 61 та болалар боғчаси ва 3 та интернатда тарбиячи-ўқувчиларнинг қўллари билан тайёрланган рефератлар, альбомлар, жонли бурчаклар, жойларнинг экология карталари, суяк, тош, илдизлардан ясалган табиат ажойиботлари ҳуллас, табиат муҳофазасига бағишланган экспонатлар ўрин олди.

*— **Туманимиздаги боғча ва мактабларда экологик тарбияни кучайтириш, болалар онгида табиатга, атроф-муҳитга меҳр уйғотиш йўналишида анчагина ишлар қилинянти,** — дейди биз билан суҳбатда С. Раҳимов туман халқ таълими бўлими мудири Абдулла ака Раҳматуллаев. — **Чунончи, маърифий, маданий, экология йўналишлари бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, улар туман мактаб ва боғчаларига тарқатилган. Жойларда ҳозир шу режага асосан фаолият юритилмоқда. Бундан ташқари тумандаги 191-мактабда «Тадқиқотчи» клуби ташкил этилган бўлиб, унинг президенти шу мактабнинг 10-«А» синф ўқувчиси А. Ходирева бошчилигида экологик тадбирлар ўтказилмоқда. 509-боғча ҳам экология йўналишида иш олиб боради ва боғча қошида экспонатларга бой экологик музей очилган.*

Дарҳақиқат, кўрик-кўргазма жуда қизиқарли ўтди. Унга ташриф буюрган мактаб, боғчаларнинг раҳбарлари, таълим-тарбия муассасаларининг экологияга масъул шахслари бу ерда экспонатларни томоша қилиб, ўзаро фикрлашдилар, илғор тажрибалар алмашилди. Сўнг экологияга бағишланган семинар ўтказилди. Унда сўзга чиққан халқаро «Экосан» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Шоира Ибрагимова, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Муҳаббат Ғанихўжаева ва бошқалар боғча, мактабларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилиши лозим ишлар тўғрисида тўхталиб ўтишди.

Сўнг кўрик-кўргазманинг ғолиблари аниқланди. Мактаблар орасида тумандаги 249-мактаб, мактабгача тарбия муассасалари ўртасида эса 478-болалар боғчаси биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Суратларда: 242-мактабда ўтказилган «Экология ва келажагимиз» кўрик-танловидан лавҳалар.

Даврон АҲМЕДОВ олган суратлар.

Орализдаги одамлар

ДОМЛАНИНГ БОҒИ

Умр — оқар сув, дейдилар, кўз очиб юмгунча ўтади-кетади. Аммо шу қисқа умрнинг неча ёзию неча баҳори, неча кузию неча қиши бор. Ҳар фасли бир мўъжиза!

Одам Атодан мерос удум: дунёга келган мардумки бор бир эзгу тилакни қўнглига жо этади — ўткинчи умр қалами ила абадият дафтарига нақш солиб кетмоқни дилига тугади. Гапнинг даромадидан англагандирсизки, ҳикоямиз эзгу мақсад билан яшаётган бир инсон хусусида. Аслида у киши ҳам минглаб юртдошларимиз каби элига, юртига фидойи бир зот. Биз у кишининг ҳаёт йўлини батафсил айтиб ўтишни лозим топмадик. Зеро бундай умр қиссасини кичик бир мақолада шарҳ этиб буладими? Болалик ва йигитлик онларининг шукуҳини, қалбнинг илм йўлига чеккан заҳматларини, ҳаётнинг паст-баланд сўқмоқларида кечган гоҳ қувноқ, гоҳ ҳасрат тула лаҳзаларни сўз билан ифода этмоқ мумкинми?

Бундан 30-40 йилча бурун кечган авжи йигитлик дамлари... Энди улар олис хотира. Файзулла ака ўшанда қишлоқдан шаҳарга қатнаб ўқирди. Ўқиш ва рўзғор ташвиши бир бошга не қадар оғирлик қилмасин, у киши илмга бўлган иштиёқини йўқотмади. Йиллар ўтди, университетни тугатиб педагогика фани бўйича номзодлик ишини ёқлади, Самарқанд давлат университетининг доценти, кафедра мудири даражасигача етди. У киши 30 йилдан зиёд умрини университет дарсхоналарида ўтказди.

Биз борган фурсатда домла ҳовлисидаги боғчада экин-текинга қараш билан андармон бўлиб юрган экан.

— Усимликларнинг тарбияси осон, — дейди домла, — аммо инсонни тарбиялаш — ғоят мураккаб масала. Биз собиқ совет замонида бу масалага жуда бирёқлама ёндашиб келдик. Ўша тузумга хос ғоя ва мафкурани бола онгига сингдирсак, бас, барча муаммо ҳал булади-қўяди, деб ҳисоблар эдик. Аммо энди маълум бўлмоқдаки, инсоннинг руҳий ва жисмоний камолоти учун биргина мафкура ёки ғоя кифоя қилмас экан. Тасаввур этинг, инсоннинг ҳар жиҳатдан шаклланишига дунёдаги бор мавжудот муайян даражада таъсир этади. Демак, инсонни тарбиялаш жараёнида бутун олам иштирок этади.

Буюк аждодларимиз дунёдаги табиий мўъжизаларга, оламдаги барча мавжудотларнинг уйғун ривожланишига беиҳоя эътибор билан қараганининг боиси недан? Чунки оламдаги уйғунлик, мувозанат қанчалик барқарор бўлса, инсон ҳам шу қадар тез камол топади. Ахир, оламни яратишдан мақсад ҳам одамни камол топтириш бўлган-да! XX асрга келиб оламдаги мувозанат бузилди, табиатдаги уйғунликка зарар етди. Шу боис икки бор жаҳон уруши содир бўлди, синфий ва мафкуравий қарама-қаршиликлар юзага келди, инсоннинг маънавияти ва ахлоқида ўпирилиш (депрессия) юз бера бошлади.

— Сиз энди гул ўстириб, дарахт парваришлаб табиатдаги уйғунликни қайта тиклаш ишига ҳисса қўшай, деган экансиз-да, — деймиз ўзимизча ҳазил қилган бўлиб.

— Йўқ, — дейди домла, — инсон болалигида ўзини қуршаб турган олам билан ажиб бир уйғунликда яшайди. Аммо улгая боргани сари у ана шу уйғунликдан узоқлашади. Кексаликда эса яна шу уйғунликни қўмсай бошлайди. Халқимиз жуда топиб айтган: гул — баҳона, дийдор — ғанимат.

Шу пайт домланинг ўғли — милиция майори Азим ака Бозоров келиб қолади. Гурунг яна қизийди.

Ҳовли саҳнида чопқиллаб юрган домланинг невараларидан бири Отабек мадҳияни бошлаб қолади:

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт; нажот...

— Ана, ўрт яшар бола Ўзбекистон мадҳиясини ёддан билади, — дейди домла суҳбатни бошқа ўзанга буриб. — Бизнинг болалигимизда гимн эсга келибдими дейсиз. Чунки у даврларда миллатимизга, халқимизга, Ватанимизга хос нарсадан фахрланиш имконияти йўқ эди. Мана, энди болалар тетапоя бўлганиданоқ ватанпарвар бўлиб ўсаяпти. Иншоолло, яна беш-олти йилдан сўнг халқимиздан, Ватанимиздан, истиқлолимиздан миннатдор бир авлод вояга етади. Бугун шундай авлод вояга етмоқда ҳам.

Файзулла ака ҳозир нафақада. Аммо даланинг нонини еб ўрганган одам уйга сигармиди дейсиз. Кўнгли яна ишни, илмни тусайди. Умрдан эндигина 60 баҳори ўтибди. Буюк аждодларимиз бу ёшда тулпор миниб от чоптирганлар.

— Мана, энди ишлайдиган замон келди, — дейди Файзулла ака. — Педагогика фанига ҳам янгиликлар киритиш зарур. Миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз қолдирган илмий мерос, жаҳон тараққиётидаги энг илғор тажрибалар — барчасини эътиборда тутмасдан туриб янги инсонни тарбиялаш мушкул. Бугунги кунда педагогика бўйича халқимизнинг ўзига хос менталитети — зеҳниятини ҳисобга олиб яратилган дарслик ва қўлланмалар кам.

Чойдан сўнг домла бизни ҳовлининг бурчагидаги мўъжазгина боққа бошлайди. Ниҳоллар энди кўкка бўй чўзмоқда. Ораста бу боғчага қараб ўзимизча мулоҳазага толган бўламиз: Оллоҳ таоло оламни мукаммал суратда яратган. Аммо инсон қалби олам уйидан ҳам мукаммалроқ бир қасрни, у ижодкор кўнгли талаби ила дунёни янада обод ва кўркам этмоққа тиришади. Файзулла Бозоровнинг шу мўъжазгина боғи унинг йўлини акс эттирувчи бир рамз, тимсол, десак адашмаймиз. У киши неча йилларки тарбия илмидан сабоқ бериб, шогирдлари қалбига эзгулик ниҳолларини ўтказди. Уларнинг барчасини бир жойга тўплаш имконияти бўлса, эҳтимол, ҳалиги ниҳоллардан улкан бир боғ вужудга келар. Бу — Файзулла Бозоровнинг умр боғи, ҳаёт боғидир.

Пастдарғом туманининг Самарқанд шаҳрига туташ Қозоқ Найман қишлоғидаги чоғроққина ҳовлида истиқомат қилаётган Файзулла Бозоровнинг мўъжазгина бу боғи у кишининг кўнглида қатланиб ётган янги-янги орзулар ифодаси ҳамдир.

— Ҳаёт — буюк муаллим, — дейди Файзулла Бозоров яна ўйга толиб, — унинг қаршисида барчамиз шогирдмиз. Инсон ҳар куни ўзида янги бир хислатни тарбиялай олмоғи зарур. Зотан, ҳаёт кун сайин ўзгаради. Одамзот ҳаётдан сабоқ олиб ўзини-ўзи ўзгартиролмаса, билингки, уни ҳеч ким ўзгартиролмайди. Бундай киши бора-бора ҳаётга ярокси бўлиб қолади. Бундан ҳам ачинарлиси борми дунёда?

Бу гаплардан ғоят мутаассир бўлдик ва шу гаплардан сездикки, домланинг орзулари кўп ҳали. Бинобарин, боғяги мўъжаз боғ ҳали хилма-хил дарахтлар билан бойийди ва вақти-соати етиб бирин-кетин гарқ ҳосилга киради...

Полвон ОТАБЕК.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ИСТИҚБОЛГА ИНТИЛИБ...

Шайхонтоҳур туманидаги 171-болалар боғчаси фаолият кўрсата бошлаганига 9 йил бўлаяпти. Бу давр мобайнида мазкур кичкинтойлар масканининг маданий ва тарбиявий ишларида жуда кўп ўзгаришлар бўлди. Қанчадан-қанча кичкинтой мактаб сари кузатилди. Боғчада 24 гуруҳ мавжуд бўлиб, уларда 300 дан зиёд кичкинтой тарбияланяпти. 2 та залда очиқ машғулотлар, байрам тантаналари, турли хил тадбирлар ва спорт мусобақалари мунтазам ўтказилади.

Республикамиз миқёсида катта шодиёна ва тантана билан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловида боғча жамоаси ҳам фаол қатнашди. Мусиқа раҳбари Нодира Мадалиева эса шоир Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» шеърига куй басталаб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб гуруҳларда бурчаклар ташкил этилди. Бобомиз ҳаёти ва босиб ўтган шонли йўлларига оид мавзуларда очиқ машғулотлар, бадиий кечалар ўтказилди.

Боғчада тарбияланувчиларга лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбесини таништириш яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, уларга чет тилини ўргатиш мақсадида инглиз тили тўгараги ҳам ташкил қилинган.

Соғлом авлодни тарбиялашда жисмоний тарбиянинг роли каттадир. Шу боис болалар ўртасида спорт мусобақаларининг ўтказилишига алоҳида эътибор берилаётир. Шунингдек, бу ерда таэкван-до ва миллий кураш бўйича тўгарак очиш ҳам режалаштирилянти.

Ота-оналар боғчанинг М. Усмонов, О. Алимова, С. Юсупова, М. Шоқодирова каби жонкуяр тарбиячиларидан миннатдорлар. Чунки фарзандлари ишончли қўлларда таълим-тарбия олаётганидан кўнгилари тўқ.

Зиёда НАЖИМОВА.

Хорижий тилларни ўрганамиз

СОТИБ ОЛИНГ, МАМНУН БЎЛАСИЗ

Кимга қанақаю, лекин биз машғулотларимизни «Merry English» қўлланмасисиз тасаввур қила олмаймиз. Келинг, тажрибамиз ҳақида батафсил гапириб берақолай.

Шу йилдан эътиборан, «Камолот» номли марказимизда тайёрлов синф (6 ёшли болалар) ва 1-синф ўқув режаларига инглиз тили машғулоти ва дарслари киритилди. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Республикаси Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти томонидан тайёрланган Мактабгача тарбия муассасаси ва бошланғич синфлари учун инглиз тили дастури асосида эндигина иш бошлаганимиз учун ўқув ва тил материалидан етишмовчилик сезиларди.

Тасодифан, С.В. Арапова ва Х. Ғаниевалар ишлаб чиққан, «Merry English» методик қўлланмасини сотиб олиб, ундан фаойдаланишимиз натижасида инглиз тилини ўргатишдаги кўпчилик муаммоларимиз ўз ечимини топди.

Эндиликда машғулотларимиз тил материали билан бойитилди. Ҳар бир мавзу бўйича тузиб чиқилган машғулотлар ишланмаси фонетик машқларни, диалог-суҳбатларни, шеър ва қўшиқларни ўз ичига қамраб олади. Инглиз тилидаги 30 та қўшиқнинг таржимаси ўзбек ва рус тилида берилган бўлиб, болаларга ёд олишлари учун қулайлик туғдиради. Боз устига, қўшиқлар ноталар тўплами, магнит тасмасига ёзилган фонограмма билан таъминланган.

Машғулот ёки дарсда қўшиқ сўзлари ўргатилса, куннинг иккинчи ярмидаги ижодий ўйинлар жараёнида уни жур бўлиб айтиш имкониятига эга буламиз.

Сўзлар устида ишлар эканмиз, айнан болаларнинг руҳий ривожланиш ҳолатини инобатга олиб, тузилган шеърий тўртликлардан фойдаланамиз. Чунки янги сўзлар она тилидаги матн негизида берилиши болаларнинг эсда қолиш қобилиятига асослангандир.

Мана мисол:

Бизлар келдик полизга
Бунда нима усади?
Кўринг potato (потэйтоу) — картошка,
Шох-шаббаси тўсади.
Бу сиситвег (кюкэмбэ) — ҳа бодринг,
Келинг, мазасин кўринг!

Қўлланмада берилган эрталик баёнларини умумхалқ байрамларига тайёрлаш мумкин. Анъанавий байрамлар қаторида «Навруз»га атаб ҳам шеър ва қўшиқлар киритилгани бизни ғоят қувонтирди.

Қўлланманинг яна бир қулайлик томони шундаки, биз мураббиялар билан бирга отаоналарни ҳам инглиз тилини ўрганишга жалб қилиш имкониятига эга бўлдик. Барча матнларнинг икки тилда берилиши — уни таълим қайси тилда олиб борилишидан қатъи назар, кенг қўламда тил ўрганишга яхшигина ёрдам беради.

Биз «Merry English» методик мажмуасининг барча имкониятларини бу тафсилотда айтиб ўтирмадик. Уни қўлингизга олганингизда, сиз 20 нафар болага етадиган ўқиш ва расм солиш дафтарини, қўргазма ва тарқатма материалларини, лото ўйинини ҳам кўрасиз. Расмлар бизнинг болаларимизда инглиз тилини ўрганишга иштиёқ ва интилиш уйғотади. «Merry English» методик қўлланмаси, ўйлаймизки, бошқа мураббийларга ҳам ёқиб тушади. Бу қўлланма асосида ўтказадиган инглиз тили машғулотларимиз қувноқ ижодий жараёнга айланиб қолди. Муаллиф-тузувчиларга амалиётчилар номидан ташаккур билдирмоқчимиз. Яна шуни ҳам таъкидлаймизки, сиз ҳам ушбу қўлланмани сотиб олинг, ишингизда қўл келади, мамнун бўласиз.

Н. КОМИЛОВА,
С. АБДУЛЛАЕВА,
«Камолот» номли марказ мураббиялари.

Обуна—97

«МАЪРИФАТ» — ЗИЁЛИЛАР ҲАМРОҲИ

Ўзбекистон зиёлиларининг севимли «Маърифат» газетаси «Илм ўзни билмакдир» ҳикматини ўзига шиор қилиб олган. Бугунги кунда «Маърифат» нафақат зиёлиларнинг, балки саноатчилар, адабиёт ихлосмандлари, ишчи-хизматчилар, уй бекалари, нафақахўрлар, тарбиячилар, футбол ишқибозларининг, қўйинг-чи, барча-барчанинг севимли нашридир.

«Маърифат» халққа маънавият, маърифат, меҳр, билим улашмоқда. Унинг хоҳлаган сонини олиб кўринг. Ундаги мақолалар сизни оҳанрабодек ўзига тортади. Уларда маънавият жавоҳирлари барқ уриб турғандек бўлади. Газетадаги «Иқтисод сабоқлари», «Ватаннома», «Бу кунларга етганлар бор...», «Кўнгил битиклари», «Халқ таълими фидойилари» каби рукнларида берилаётган мақолалар, шеърлар эътиборга лойиқ.

Менимча, газетада яна «Ёшлар ва қонун», «Маънавият ва ёшлар», «Ўқитувчи, қандай яшаяпсан?!», «Ўқувчи фикри», «Мозийдан сабоқлар» каби рукнлар очилса, долзарб мавзуларда мақолалар бериб борилса яхши бўларди. Танқидий мақолалар газета обрўсини оширади. Айрим вилоятларда, мактабларда аҳвол яхши эмас. Мактаб директорлигига қўйилаётган баъзи кадрлар бугунги кун талабига жавоб беролмайди. Бундай раҳбарлар ишлаётган билим масканида таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик илдиз отиб кетган.

Газетада бошқа мавзулар бўйича ҳам танқидий чиқишлар, рейдлар уюштирилса, халқ таълими соҳасидаги камчиликлар бир қадар камайган бўларди. Бутун ҳаётини мактабга, ўқувчиларга бағишлаган, мактабни «иккинчи уйи»га айлантирган ўқитувчилар ҳақидаги очерклар эса «Маърифат»нинг саҳифаларига кўрк бағишлайди.

«Маърифат» — зиёлилар нафас оладиган ҳаво. У тарбиячиларни камолга етказади, дунёқарашини кенгайтиради. Демак, зиёлиман деган халқ таълимининг у ёки бу соҳасида ишлаётган ҳар бир киши «Маърифат»ни ўқисин, унга обуна бўлсин!

Равшанбек МАҲМУДОВ,
Гулистон давлат университети проректори, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома / ойнома — 64595

Маърифат (нашр номи) — (нашр кўрсаткичи)

Обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйнча)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

п. в. | жойи

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64595 (нашр кўрсаткичи)

Маърифат (нашр номи)

Обунани янгиманзилга юбориш | Баҳоси | Баҳоси | Сўм | Сўм | Обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйнча)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(исми ва стасининг исми бош ҳарфлари)

Таълим-тарбия соҳасидаги янгиликлардан, илғор педагогик тажрибалардан ўз вақтида хабардор бўлай десангиз, дарслигингизга қўшимча маълумот олай десангиз «Маърифат»га обуна бўлинг!

Футбол

АКА-УКАНИНГ ОМАДЛИ ЮРИШИ...

Бу йилги «Ўзбекистон кубоги» учун баҳслар ўзининг бетакрорлиги билан мухлисларни хушнуд этмоқда. Айниқса, пойтахтимизнинг икки жамоаси «Пахтакор» ва «МҲСК» жамоалари ўртасидаги учрашувни айтиб ўтиш жоиздир. Ҳали учрашув бошланмасданоқ МҲСК ўйингоҳи мухлислар билан тўлиб бўлганди. Бу командалар ўртасидаги биринчи ўйин дуранг — 2:2 бўлиб ўтганди. Жавоб учрашуви муросасиз кечиши турган гап эди. Худди шундай ҳам бўлди. Энди бевосита учрашув тафсилотларига тўхталадиган бўлсак, аминимизки, стадионга ташриф буюрган мухлисларнинг ҳеч бири йўқотилган вақтига ачинмаганлигига гувоҳ бўлдик. Сабаби, ўйин жуда ҳам чиройли, тезкор ва комбинацияларга бой бўлди. Учрашувнинг биринчи бўлими тенг курашлар остида бўлиб ўтди. Гоҳида «Пахтакор», гоҳида армиячиларнинг хавфли ҳужумлар уюштириб туриши фикримизнинг тасдиғидир. Лекин «Пахтакор»нинг учрашув давомида бир оз устунлиги сезилиб турди. Бу ўз натижасини берди ҳам. Кутилмаганда, учрашувнинг 15-минутида пахтакорчи Ёрқин Назаров чамаси 23 метрлар узоқликдан дарвозани аниқ нишонга олди. Тўп тўғри дарвоза бурчагига келиб тушди. Бу голни мавсумнинг энг чиройли голи десак, муболаға бўлмайди. Шундан сўнг Ёрқиннинг акаси Дилмурод ўйиннинг ўрталарида МҲСК дарвозабони билан яккама-якка чиқди. Дилмурод 100 фоизлик имкониятдан фойдалана олмади. Тўғриси, омад ундан вақтинчалик юз ўгирди. Биринчи бўлим охирларида армиячиларнинг ёш ҳужумчиси Ойбек Усмонхўжаев ҳисобни тенглаштирди. Аммо МҲСК ўйинчиларининг қувончи узоққа чўзилмади. Шундан сўнг бир дақиқа ўтар-ўтмас Дилмурод Назаров ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Яъни биринчи бўлимда ўз айби билан киритилмай қолган голни ўзининг чиройли киритилган голи билан ювди. Шундай қилиб, биринчи бўлим 2:1 ҳисобида якунланди. Иккинчи бўлим муросасиз бўлиб ўтди. Армиячилар бир неча қулай имкониятлардан фойдалана олишмади. Умуман шу куни МҲСКдан омад юз ўгирди. Икки-уч маротаба юз фоизлик натижалар зое кетди. Шундай қилиб, пойтахтнинг «Пахтакор» командаси муҳим ғалабани қўлга киритиб, финалга йўлланма олди.

«Ўзбекистон кубоги учун» ярим финал учрашувларидан бири Фарғона шаҳрида бўлиб ўтди. Унда маҳаллий «Нефтчи» ҳамда Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоалари куч синашдилар. Учрашувда фарғоналиклар 2:0 ҳисобида олтинга тенг ғалабани қўлга киритдилар. Тўплар нисбати бўйича «Нефтчи» клуби финалга чиқди. Энди улар финалда пойтахтнинг «Пахтакор» командаси билан беллашадилар. Ҳақиқий ўйин ўшанда бўлади. Учрашув 10 ноябрь соат 3-00да МҲСК стадионида бўлиб ўтади. Барча футбол мухлисларини «Ўзбекистон кубоги учун» бўладиган учрашувга таклиф этамиз.

Хайрулло ЖУМАЕВ.

ҲАР БИР КУНИМИЗ ЯНГИЛИК

(Боши 1-бетда).

верситети раҳбарияти ташаббуси ва ёрдами билан мактабларимизни АДУ факультетлари оталиққа олишмоқда. Бу билан мактаб — олий ўқув юрти алоқаси мустаҳкамланмоқда.

— Халқ таълими соҳасида яна қандай ишларни амалга ошириш керак деб ўйлайсиз?

— Бу вазифалар «Таълим тўғрисида»ги давлат Қонунида белгилаб қўйилган. Айни вақтда ўқитувчи обрўсини кўтариш керак. Муқаддас касб. Уларни авайлаш, ҳурматини жойига қўядиган пайт келди. Бу борада Президентимиз томонидан маънавият ва маърифатни, зиёлиларни эъзозлашга қаратилган Фармонлар, қарорлар қабул этилаётганлиги биз учун қувончлидир.

— Дарс ўтишда, уларни савияли қилишда нима ишлар қилинмоқда?

— Дарс самарадорлигини оширишнинг асосий амалларидан бири — тест-рейтинг усулида ўқувчилар билимини баҳолаш таълим жараёнига кириб келди. Янги ўқув йилидан тумандаги барча мактабларимизда ушбу усулни татбиқ этдик.

Қолаверса, малака ошириш, ўқитувчининг ўз устида ишлаши, дунёқарашини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Юқорида таъкидлаганимдек, ҳозир барча соҳалар каби таълимда ҳам мазмун жиҳатдан ўзгариш, ривожланиш босқичи кетмоқда.

— Бўз туманининг вилоятимизда ўз ўрни бор. Бу ўрин нималарда намоён бўлади, деб ўйлайсиз?

— Туманимиз асосан пахтачилик хўжалиги ҳисобланади. Аммо маданият, санъат соҳасида ҳам ўзига хос. Айниқса, ўқувчиларимиз она тили ва адабиёт, математика, тарих фанларини бошқа фанларга нисбатан кўпроқ билишади. Туманимиздан Муҳаммад Али, Тўлан Низом, Мирзакарим Пирматов (марҳум) каби истеъдодлар етишиб чиққанки, бу ҳудудда адабиёт ҳомийларию мухлислари алоҳида эътибордадир. Энг намунали мактабларимиздан бири Мирзакарим Пирматов номи билан аталмоқда.

Юқорида таъкидлаганимдек, республика талаба танлов маркази хулосаларига кўра ўтган ўқув йилида бизнинг ўқувчиларимиз вилоят туманлари орасида она тили ва адабиёти, математика, тарих, физика, рус тили каби фанлардан билим самарадорлиги бўйича етакчи бўлишди. Бу йил ҳам шундай натижалардан умидимиз бор.

— Орзуингиз, ниятингиз?

— Халқимиз билим олишни муқаддас бурч билса, бу йўлда ҳеч нарсани аямаса, шунинг ўзи бас.

Наби ЖАЛОЛИДДИН суҳбатлашди.

ХУМОЮН

* * *

«Қалб безовта,
Қалб юпанч истар,
Ёлғизликнинг тор кулбасида.
Минорларда, йўлларда излар,
Излар ҳатто тун нафасида.
Бедорликми,
Ўтганлар ёди?
Шоҳ ҳам ўтар, ўтар ўтинчи,
Бир лаҳзадир инсон ҳаёти
Наҳот, наҳот бари ўткинчи?..»

Ўйларимни кўриб тургандай —
Ташқарида кишнар асов от.
Тиним йўқдир бир лаҳза эвоҳ,
Кўпкаридай ғувиллар ҳаёт!..

* * *

Мен танҳо кезмоқни севаман,
Тонггача тунларнинг бағрида.
Сўзлашаман сўқмоқлар билан,
Одамлар, қадамлар ҳақида.

Ларзага тушади вужудим,
Сўқмоқлар дардини айтганда.
Учар экан йўллар қуш каби,
Соғинчли қадамлар қайтганда.

ЧОРИ АВАЗ

Чори Аваз,
қорача, бўйдор,
Чиниққанди дашт елларидан,
Шеър ўқирди ажиб, бетакрор,
Абдуллани биларди ёддан.

Икки фасл яшади шоир —
Софлик фасли,
Муҳаббат фасли.
Гоҳи тунлар ўлтириб бедор,
Тўрт фаслни яшарди асли.

Вужудидан дарди улканроқ,
Хаёлидан ташвиши чексиз,
Бу ҳайбатли шаҳарда бироқ,
У ҳам подшо эди чериксиз.

Шиддат ила ишлар эди у,
Балки Ҳақни англади, етди.
Юрагини тўкиб солдию,
Бу дунёни ташлади, кетди.

Ўша олис Қарши чўлидан,
Дунё чархи айланиб такрор,
Кўринарми Тошкент йўлида
Чори Аваз,
қорача, бўйдор.
Балки таскин шудир юракка,
Балки таскин битган шеърлари,
. . . . . .
Лекин бари, таскин-ку бари.

* * *

Ошёнингга келмадим бекор,
Яшринаркан қоп-қора тундан,
Қулбанг ичра ой юзли дилдор,
Қамар мулкин ҳис этгум чиндан.

Ҳузурингга елганим муштоқ,
Қочиб тунлар салтанатидан —
Қумрилардай овозинг янгроқ,
Шеър, ўланни қўмсаганимдан.

Ҳаловатсиз кундузлар ниҳон,
Ташвишлари тунларга елди,
Лек боладай содда бу оқшом —
Эртакларга ишонгим келди.

Бунча ҳайрон боқурсан, нега
Мен ўткинчи, гўё сен мезбон.
Нега ҳайрон боқурсан менга —
Кутилмаган, бегонасимон.

Ўзбекнинг қадимий, шу билан бирга жуда ажойиб бир тантилиги бор-да! Эртами, кечми бир пиёла чой ичмасак, ўзимизни қўярга жой тополмай қоламиз. Яна қолаверса, "бир пиёла чой устида" деганларидай, шусиз суҳбатимизнинг ҳам файзи бўлмайди.

Айтишларича, — ҳамюртларимиз орасида чойнинг нави, ҳатто уни ким тайёрлаганигача бир қарашда аниқлай оладиган кишилар ҳам бор эмиш. Тўғри-да, бу ҳам бир ўзбекчилик!

Ажаб эмаски, сиз суратда кўриб турган мана бу жажжилар ҳам келажакда, ҳалиги айтганимиздай ота-оналарининг ҳақиқий давомчилари бўлиб етишсалар.

А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.

Хуллас...

"ҲАШОРАТЛАРНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИ"

Флорида штати университетининг профессори Томас Юкер ўзига хос асар — "Ҳашоратларнинг рекордлар китоби"ни ёзди. Масалан, унда энг тез учадиган ҳашорат ниначи дейилган. Қарангки, ниначининг одатий шароитдаги тезлиги соатига 96 км. экан. Энг яшовчан ҳашорат эса Африка пашшасидир. У суюқ гелийда (целсий бўйича 270 даража иссиқ) бемалол яшаб қолади, шунингдек, қаттиқ қурғоқчиликка ҳам чидайди.

ЁВВОЙИ ФИЛНИНГ АЖОЙИБ ҚИЛИҒИ

Қарангки, Ҳиндистоннинг Миднанур тумани тартиб посбонларига ёввойи фил ёрдамчи чиқиб қолди. Тоғ бағридан сув излаб пастга тушган фил тўсатдан самагон тайёрловчиларнинг бир неча омборини бузиб ташлади. Фил самагоннинг ҳидидан билса керакки, у жойларни бехато бузган.

Ана шундай омборларнинг анчагинаси бузилганини кўргач, минглаб одамларнинг ёстиғини қуритган самагончилар "яхши кунлар келгунча" ишларини тўхтатишга мажбур бўлишди, деб ёзади "Week" Ҳиндистон журнали.

АКУЛАНИНГ ИШТАҲАСИ ЯХШИМИ ЁКИ ОДАМНИНГ?

Бунга қўшимча яна бир савол: акула одам учун хавфлими ёки одам акула учунми? Денгиз ва океанларнинг бу йиртқичлари йилига жами 100 нафар одамга ҳужум қиларкан. Одамлар ҳар йили уларнинг 100 миллионтасини овлашаркан... Гапнинг қисқаси, олимларнинг таъкидича, "денгиз қароқчилари"нинг мазали таом бўладиган 200 хили йўқолиш арафасида экан.

ИНСОННИНГ БАРДОШИ

Одам 71 даража иссиққа — 1 соат, 82 даражага — 49 минут, 93 даражага — 33 минут, 104 даражага — 26,5 минут бардош бера олар экан. Рекорд АҚШнинг ҳарбий ҳаво кучларида ўрнатилган. Унда одам 204 даража иссиққа 15 дақиқа чидаган. Америкалик Жин Хиллард эса 31 даража совуқда қолиб кетган ва яшаган...

ана шунақа гаплар.

Миллий анъаналарга кенг йўл!

ЁШ ДОРБОЗЛАР СЕМИНАРИ

Сарлавҳа сизни ажаблантирди, шундайми? Агар ер устига қурилган ва муаллақ турган дорни, дорбозларни кўз олдингизга келтирсангиз, ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Қадимий ва улмас миллий ўйин-томошамиз — дорбозлик ҳозиргача сақланди ва у йўқолиб кетмайди.

Қўшработ туманидаги 68,24-ўрта мактабларда бу санъатни ривожлантиришнинг ташаббускорлари топилди. Улар Турон Файзиев ва Дустбек Эшқуловлардир.

Дорбозликка даъвогар мактаб ўқувчилари анчагина экан. Демак, ишни бошласа бўлади. Устозлар бунинг учун шароит яратишди. Елиб-югуриб зарурий асбоб-ускуналар — дор, лангар, тош, кийим-кечаклар харид қилишди. Дастур тузилди. Дор устидаги томошаларни намойиш қилишда дастлаб иккиланишлар, журъатсизликлар бўлса-да, бора-бора дорбозлар бунга кўникиб кетдилар. Бадандан нина ўтказиш, олов устидаги машқлар, шиша устида ётиш, лезва чайнаш каби номерлар аянчли бўлса-да, томошабинларда ҳайрат ва таажжуб уйғотар эди.

Кейинги икки йил мобайнида майинтепалик ёш дорбозлар «Навруз» ва Мустақиллик байрами тантаналарининг обрўли иштирокчилари бўлиб қолишди. Бунга улар ўз иштиёқ ва ҳафсалалари орқасидангина эришдилар.

Туман халқ таълими бўлими аждодларнинг авлодлар қўлига ўтаётган бу қадриятини ривожлантиришга бош-қош бўлмоқда. 68-мактабда бир соатлик дарс тарзидаги семинар ўтказилди. Семинарда ёш дорбозлар дастуридаги жамики номерлар бошдан-оёқ кўрсатилди. Ташриф буюрганлар дор усти ва остидаги ўйинларни кўриб, қойил қолишди.

Бизнинг ниятимиз — ёш дорбозларга омад тилаш. Эзгу ишга оқ йўл тилаш ва уни қўллаб-қувватлаш керак. Шундай экан, қўшработлик дорбозларнинг қалтис ва мураккаб санъат турига қизиқишларини чин дилдан маъқуллаймиз.

Т. ЭЛМУРОДОВ, Қўшработ туман халқ таълими бўлими методисти.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ТЎЗОН

(ҳикоя)

Самад икковлари йўлга отланишганда осмонни тутиб ётган қоп-қора булутлар тўсатдан жалага айланиб берди. «Қуриб кетсин! Ишқилиб яхшиликка бўлсин-да!» — Алиқўзи чиппа лойга ботган туфлисини қоқаркан, ижирғаниб қўйди.

Хайрият, манзил деганиям унча узоқ эмас экан. Иккиучта қишлоқдан ўтиб, ҳашаматли, пештоқларига турли-туман қушлар чизиб ташланган дарвозага етгач, ҳеч кимни чақириб ҳам ўтирмай, икковлари олдинма-кетин ҳовлиқиб ичкарига киришди. Остонадан ўтишлари билан дунёни бузгудай варанглаётган қандайдир ёқимсиз ашула Алиқўзининг ғашини келтирди.

«Аҳмоқ бола. Мен сенга қурсатиб қўяман саёқ юришни. Топган жойини қара. Бу уйда қанақа одамлар туради ўзи? Акмал қандай қилиб топдийкин бунақа «хилват» жойларни? Ким етаклаб келганийкин уни?.. Тушуниб бўлмайди». — Алиқўзи ҳовлидаги тартибсиз сочилиб ётган хас-хашак, яна алламбало асбобларнинг кўплигини кўриб ҳайрон бўларди.

— Ие, ие, келинг, меҳмон, хуш келипсиз! — Ичкаридан (уй эгаси бўлса керак) уларнинг истиқболига югуриб чиқиб келган барваста, мўйловдор, кўзлари негадир бежо ўйнаб турган бир киши кулимсираб қўл узатди. — Ассалому алайкум, ака, хуш кўрдик.

Алиқўзи юзидаги ўткир ғазабни сездирмасликка ҳаракат қилиб, уй эгасига жавобан билинар-билинмас табассум қилди.

— Буни қаранг-а, остонада нима қип турипсиз? Қани, ичкарига — Алиқўзи Самадни етаклаб уй эгасининг ортидан юрди. Айвон тарафга ўтишгач, ғалати ҳодиса содир бўлди. Ҳали қуриб-қуримаган тандирларнинг кўплигидан айвонда оёқ босишга жой йўқ. «Нима бало, булар устами дейман?.. Ие, шу ерда экан-ку ярамас!» — Алиқўзи ҳовлининг бир бурчагида ҳеч нарсадан бехабар, уч-тўртта ўзи тенгқур болаларга қўшилиб янги тандирларни ёмғирдан пана қилиш учун брезент ёпаётган Акмални кўриб қолди.

Акмал озғинроқ бўлгани билан ўртоқларининг ичида бўйи новчалиги унга кўпинча қўл келарди. Чунки, баъзида безори болалар билан тўқнашишга тўғри келиб қолса, бўй ҳам керак-да! Унга яна ёқимтойликданам худо берган. Агар аясининг олдида бир пасгина қадин қошларини кериб ёки узун-узун киприкларини тез-тез пирпиратиб туриб қолса борми, қанча аччиқланган бўлсаям, барибир қандай «эриб» кетганини билмай қолади онаси. Буни Акмалнинг ўзи ҳам тоза «ғалвир»дан ўтказиб олган бўлса керак-да, аясининг жаҳли чиқа бошлаганини сезиб қолди дегунча, дарров шу «ҳунар»ини ишлатгиси кеп қолади...

Алиқўзи Акмални кўриб, аввалига тутоқиб кетди. Лекин бировнинг уйида ҳатто ёмон қараб ҳам бўлмайди. Яхшиси, сездирмагани маъқул. У ҳеч нарса бўлмагандай бамайлихотир ҳовлини томоша қила бошлади. Бу орада уй эгаси «меҳмон»ларни айвонча-сурига ўтказди-да, олдиларига дастурхон ёзиб, нон ушатди. Чинни чойнакдаги қуқ чойни шопира-шопира пиёлага қуйиб Алиқўзига узатаркан, сал тортиниброқ суради:

— Узр, меҳмон, икковларингниям танимайроқ турипсан. Қаердан буласизлар? Бизга нима хизмат бориди? — Алиқўзи гапни нимадан бошлашни билмай бироз гарангсиб турганда, ундан ҳайиқибми, ҳалиям ўртоқларининг олдига кетолмай, бир чеккада мунгайиб ўтирган Самадга маъноли қараб қўйди.

— Биласизми, мен Бачқирданман. Акмалжоннинг дадаси буламан. Ўглимиз шу ердайкан. Шамол қурғур уйдаги бор кучатларимизни бир текис синдириб кетибди, денг. Шуни бир ёқлик қилайлик...

— Э...Э, Акмалжон сиззи ўглингизми ҳали? Боятдан берисига индамай ўтиришингизни қаранг-а!?. Ҳой, болалар, бақа кенглар-чи! — Уй эгаси ҳовли тарафга ўгирилиб қичқирди. Болаларнинг ҳаммаси ишни тўхтатиб, тезда уларнинг олдига келиб салом беришди. Уларнинг кийим-бошлари ёмғирда ивиб кетган, юз-кўзлари лойга шу қадар белангандики, бир марта тўсатдан қараб юборган одам бирортасиниям танимайди. Алиқўзи аллақачон ҳамма сини тушуниб етган бўлса ҳам сир бой бергиси келмай, ўглига сал хумрайиб тикилар, у бўлса, нимадандир безовталаниб нуқул атрофга аланглади...

— Мана булар менинг ўгилларим, жиянларим, — мақтана кетди уй эгаси, — Акмалжонам ҳар куни шуларминан бирга. Ўглингиз, кўз тиймасин, ҳозир туппа-тузук уста бўп қолди. Насиб қилса, яқин орада ўзим устахона қуриб берсамми деб турипман... Қани, полвонлар, энди бориб ишни тугатиб қўя қолинглар, хўпми?! — Уй эгаси болаларни алқай-алқай, «яна бошқа ишларниям кўрсатиб қўя қолай, узр» деганча, ўзи ҳам бирга ўрнидан турди...

— Ие, устахона дедими? — ҳайрон бўлиб қолди Алиқўзи. — Унинг ўгли уста бўлиб қолдимикан? Наҳотки, шу даражага етгунчаям ота-она бехабар бўлса? Демак, ҳаммаси кўчадагиларнинг шунчаки ваҳимаси экан холос-да! Қизиқ. Акмал жуда ажойиб чиқиб қолди-ю! Шунчадан бери Алиқўзининг сира эътибор қилмагани-чи?! Қара-я, у меҳнат қилиб ҳунар ўрганяпти экан. Ишлагандаям, энг оғир меҳнатни бўйнига олибди. Ахир, тандир қилиш ўйинчоқмиди!? Э... ҳа-а, шунинг учун ҳам уйга тез-тез бормай қоларкан-да! Эҳ, ўзимни нодон болам-а! Ахир, менга бир оғиз тушунтириб-иб айтсанг бўларди-ку! Биламан. Сен бизларни қаршилик қилади деб қўрқансан. Тўғри-да, қаёқданам билибсан, болам?!. Демак, сен бизни ортиқча қийнаб қўйишни истамабсан, ўқитувчи отагниям елкасига офтоб тегсин дебсан-да-а, болажоним? Вой шунқоргинам-ей...

— Кузати-иб турсам, ўглингизни жуда бошқача яхши кўраркансиз-а? Қаранг, сал кам бир йилдан бери Акмалжон мени қўлимда-ю шу пайттача мундей танишиб қуймаганимизничи? — Уй эгаси аллақачон унинг ёнига келиб ўтирганча, астойдил гапириб ётибди. — Ўзим ҳам нимагадир сал бепарвоманда! Шогирдларимнинг ота-оналариминан жа-а унақа қизиқким келавермайди. Ҳа, майли. Ишқилиб, боши тошдан бўлсин! — Алиқўзи уй эгасини пайқамай қолганидан хижолат бўлиб, шоша-пиша узр сурадию яна чой ичишга тутинди. Шундан кейин ҳам анча вақтгача гаплашиб ўтиришди. Уй эгаси жуда қувноқ одам экан. У Акмални шунақа мақтаб ташладики, Алиқўзи сира қулоқларига ишонмади. Бу орада ёмғир тиниб, ҳавонинг кўзи очилди. Чумчуқлар қуча бўйлари, ҳовлиларнинг этакларидаги қатор теракларга қўнволиб, яна бошқатдан бозор қилишга тушишди. Куннинг тобора кеч бўлиб бораётганини пайқаган Алиқўзи тўсатдан безовталана бошлади:

— Узр, ака, энди мен борай. Уйдагилар ҳам хавотир олиб ўтиргандир, — деди у уй эгасининг рухсатини кутаркан.

— Ие, қизиқмисиз? Овқат маҳали бўп қолди. Бугун меҳмонимсиз, ахир!

— Гапингиз тўғри. Сизминан одам зерикмасакан. Бироқ, келинингиз бу ёққа келганимни билмайди-да! Узр.

— Шунақами? Ҳа, майли унчалик бўлса, — ўйланиб жавоб қилди уй эгаси, — нимаям дердим. Ҳа, айтганча, Акмалжон ювиниб чиқа қолсин бўлмасаа?..

— Йўғ-э, нималар деяпсиз, — жавоб қилди Алиқўзи, — қўяверинг, ишини тугатиб борар. Мана, Самаджонам ёрдам берворади. Бор, ўглим!

Шундан сўнг улар дастурхонга фотиҳа тортиб, эшикка чиққач мамнун хайрлашишди...

Уйга етиб келгач, Алиқўзи анча тинчлангандай бўлди. Хурсандлигидан ҳеч нарсага қарамай, бироз китоб ўқигиси келиб хонасига йўл олди. Ичкарига кириб жавонга қатор қилиб терилган китобларни бир-бир титкилай бошлади. Қалин китоблардан бирини шундоқ варақламоқчи бўлган ҳам эдики, гиламга «тап» этиб нимадир тушгандек бўлди. Алиқўзи шошилиб ерга энгашди. «Ие, пулку! Ҳа, ўша пуллар... Жин урсин!.. Узим яшириб қўйиб болани айбладиммикан ҳали? Эсим қуриб кетсин мени! — Алиқўзи ўзича бош чайқаб, беихтиёр дераза қаршисига келди. Ҳозир унинг шодлиги ҳеч қаерга сиғмасди. «Ана, ёмғирдан, ҳалиги тус-тўполонлардан асар ҳам қолмабди. Дунё шунақа қизиқ экан-да!» — У уйлар, баъзан мийиғида кулимсираб қўяр, ниманидир ўзича хомчўт қилиш билан банд... Қуёш эса уфққа аста ёнбошларди. Уфқ тобора қизариб борарди. Бу дегани, эртанги куннинг, албатта, яхши келишидан дарак эди.

Олимжон ҲАЙИТ.

Боши ўтган сонларда.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти маъмурияти, касаба уюшмаси ва мусиқа педагогика факультети жамоаси мусиқа педагогикаси ва методикаси кафедраси катта ўқитувчиси В. Шомаҳмудовага онаси

Назира ҲОШИМОВА

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг мусиқа ўқитувчиси

Сайёра АЗИМОВА

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Икром ИСКАНДАР.

ИНДЕКС 64595 Буюртма Г.-0646.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.